

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
«ИҚТИСОДИЁТ» ФАКУЛЬТЕТИ**

“Ҳимояга рухсат этилади”

“Саноат иқтисодёти”

кафедраси мудири

_____Хакимов Р.

« _____ » _____ 2015 йил

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: Саноат корхоналарининг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш йўллари

БАЖАРДИ:

«Иқтисодиёт (саноат)» таълим

йўналиши 4-курс ЭКП-92

гуруҳи талабаси

Холмирзаев Ш

ИЛМИЙ РАҲБАР:

проф. Суюнов А.

Т О Ш К Е Н Т – 2 0 1 5

МУНДАРИЖА	
	КИРИШ.....
1	Ўзбекистоннинг мева-сабзавотни қайта ишлаш саноатини ривожлантиришнинг назарий-услубий асослари.
1.1.	Мева-сабзавотчиликни ривожлантиришнинг моҳияти ва илмий назарий асослари.....
1.2.	Ўзбекистонда мева-сабзавотчиликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари.....
1.3.	Мева-сабзавотчиликни қайта ишлаш саноатини ривожлантиришга таъсир қилувчи омиллар тавсифи.....
	Иккинчи боб бўйича хулоса.....
II	Ўзбекистонда мева-сабзавотни қайта ишлаш саноатини ҳозирги ҳолати.....
2.1.	Ўзбекистонда мева-сабзавот ишлаб чиқариш ҳамда экспорт қилиш динамикаси.....
2.2.	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш саноатини ҳозирги ҳолати.....
2.3.	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш саноатини ривожлантириш ҳамда диверсификациялаш.
	Иккинчи боб бўйича хулоса.....
III	Ўзбекистоннинг мева-сабзавотни қайта ишлаш саноатини ривожлантириш йўллари.....
3.1.	Ўзбекистоннинг мева-сабзавотчилик соҳасини молиявий қўллаб қувватланиши.....
3.2.	Ўзбекистоннинг мева-сабзавотни қайта ишлаш саноатини модернизациялаш.....
3.3.	Ўзбекистоннинг мева-сабзавотни қайта ишлаш саноатини ривожлантириш муаммолари ва келажак истиқболлари.....
	Учинчи боб бўйича хулоса.....
	Хулоса ва таклифлар.....
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....

КИРИШ

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. 2015 йилда мамлакатимиз БМТнинг Озиқ овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)га аъзо давлатларнинг озиқ овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида “Минг йиллик ривожланиш мақсадлари”га эришгани учун бериладиган мукофотига сазовор бўлган 14 та давлатдан бири сифатида эътироф этилди.¹

Жаҳон бозорларида рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги шароитда иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини тубдан ошириш, экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарни қўллаб-қувватлашни кучайтириш, фермер хўжаликлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятидаги иштирокини ҳар томонлама рағбатлантириш устувор аҳамият касб этади.²

Мева-сабзавот, полиз, картошка ва узум маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш, ички бозорни тўла таъминлаш баробарида қайта ишлаш корхоналари қувватини ва экспорт ҳажмларини ошириш, замонавий технологиялар асосида пакана ва ярим пакана интенсив мевали боғлар ва янги тоқзорлар барпо этишга қаратилган бир қатор аниқ манзилли чора-тадбирлар дастурларининг амалга оширилиши натижасида ижобий натижаларга эришилди. Шунингдек, мазкур жараёнларни тадқиқ этиш мамлакат экспорт салоҳиятини янада оширишга хизмат қилади. Юқоридаги фикрлар биз танлаган мавзунинг долзарблигини англатади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мева-сабзавотчиликни ва уни қайта ишлаш саноатини ривожлантириш ҳамда ташқи савдони ривожланиш масалаларини назарий ва амалий жиҳатдан бир қатор хорижлик иқтисодчи олимлар, яъни А. Смит, Д.Рикардо, П. Кругман, П. Линдерт, М. Обстфельд, М. Пейро, М. Портер, Дж. Сакслар томонидан чуқур ўрганилган ва уларнинг илмий асарларида кенг ёритилган.

¹ Жозе Грациану да Силва, БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти бош директори 2015 йил.

² И.А.Каримов Мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлан-тириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасидан.

Бу борада МДХ мамлакатлари олимларидан Н. Карлова, М. Прокопьев Е. Серова, Б.Фомин, В. Фомичев, И. Храмова, Б. Черняков, Г. Овчинниковлар тамонидан етарлича илмий изланишлар олиб боришган.

Ўзбекистонда мазкур муаммонинг илмий ва амалий жиҳатлари Б.Салимов, Н.Махмудов, А. Алимов, Р. Абдуллаев, Д. Аҳмедов, Ш. Арифханов, Т. Аҳмедов, А. Бедринцев, Р. Каримов, Ф. Назарова, А. Расулев, Э. Трушин, Эш. Трушин, Р. Хусанов, Қ.Чориев, Ш.Мустафокулов каби олимлар асарларида кенг тадқиқ этилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Ўзбекистон Республикаси мева – сабзавот маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар фаолиятини ҳозирги ҳолатини амалий тадқиқ этган ҳолда уларни янада ривожлантиришнинг илмий йўналишларини излаб топишдир. Шунингдек мева-сабзавотчилик маҳсулотларини экспорт салоҳиятини ошириш юзасидан илмий - амалий таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари. Тадқиқот жараёнида қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

✓ Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик соҳасини ривожланишининг динамик хусусиятларини назарий жиҳатдан ёритиб бериш;

✓ Ўзбекистон Республикасининг мева-сабзавотчилик соҳасининг қайта ишлаш саноати имкониятларини ўрганиш ва ўзига хос хусусиятларини баҳолаш;

✓ мева-сабзавотчилик мажмуаси маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятларининг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш;

✓ мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш саноатини янада ривожлантиришнинг имкониятларини илмий асосда ўрганиш;

✓ мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини тадқиқ этиш;

✓ мажмуа маҳсулотлари экспортини рағбатлантиришнинг устувор йўналишларини аниқлаш ва уни амалиётга тадбиқ қилишнинг ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий механизмларини такомиллаштиришнинг илмий асосланган йўллари ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб, мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тармоқларида мева-сабзавот маҳсулотларини етиштирувчилар ва уни қайта ишлаш корхоналари, хизмат кўрсатувчи тармоқлар ҳамда экспорт қилувчи турли хўжалик юритиш шакллари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, мева-сабзавотчилик мажмуаси маҳсулотларини қайта ишловчи саноат тармоқлари ва экспорт салоҳиятини ривожлантиришда вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ва уларнинг таҳлили билан боғлиқ бўлган иқтисодий жараёнлар ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Битирув малакавий ишида, илмий билишнинг диалектик, абстракт - мантиқий фикрлаш, таҳлил ва синтез, статистик, таққослаш каби усуллардан кенг фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий - услубий асослари. Битирув малакавий ишининг илмий – услубий асослари бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари, Ўзбекистонда жаҳон молиявий - иқтисодий инқирозининг оқибатларини юмшатиш бўйича ишлаб чиқилган дастурнинг устувор йўналишлари ҳамда иқтисодчи олимлар томонидан бу борада олиб борилган илмий назарий ва амалий тадқиқот таҳлилий материаллари хизмат қилади.

Тадқиқот ишининг ахборот базасини Иқтисодиёт Вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Статистика Қўмитасининг расмий маълумотлари ташкил этади.

Битирув малакавий ишининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

✓ мамлакатимизда мева-сабзавотчилик соҳасини ривожлантиришнинг табиий ва ижтимоий-иқтисодий асослари таҳлил қилинган;

✓ мамлакатимизда мева-сабзавотчилик соҳасини янада ривожлантириш имкониятлари аниқланган;

✓ мева-сабзавотни етиштириш ва қайта ишлаш бўйича давлат иқтисодий сиёсати таҳлил қилинган;

✓ мамлакатимиз мева-сабзавотчилик саноати маҳсулотларини жаҳон бозоридаги рақобатбардошлик даражаси аниқланган ва унга салбий таъсир этувчи омилларни бартараф этиш йўллари илмий асосланган;

✓ мамлакатимизда мева-сабзавотчилик саноатини янада ривожлантириш имкониятларининг аниқланган, ҳамда уларнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий механизмларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

✓ мева – сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари экспорт салоҳиятини оширишнинг битирув малакавий иши амалий таҳлили натижаларидан келиб чиққан ҳолда устувор йўналишлари белгиланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий-назарий ва амалий аҳамияти. Битирув малакавий ишида ёритилган фикрлардан мева-сабзавотчиликни қайта ишлаш тармоқларида фойдаланиш мумкин. Шунингдек, тадқиқот натижалари мамлакатимизнинг мева-сабзавотчилик маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда чет мамлакатларга экспорт қилишда ҳам фойдаланиш мумкин.

Битирув малакавий ишида шакллантирилган илмий хулоса ва таклифлар, Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик саноатини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилашда кўл келади.

Тадқиқот ишининг тузилиши ва ҳажми. Битирув малакавий иши таркибий жиҳатдан кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

Битирув малакавий ишининг **кириш қисми**да мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, услубий асослари, илмий янгилиги ҳамда амалий аҳамияти ёритиб берилган.

Битирув малакавий иши ишининг биринчи боби “**Ўзбекистоннинг мева-сабзавотни қайта ишлаш саноатини ривожлантиришнинг назарий-услубий асослари**” деб номланиб, унда Ўзбекистоннинг мева-сабзавотчиликни қайта ишлаш саноатини илмий назарий асослари, ҳуқуқий асослари ва соҳани ривожланишига таъсир қилувчи омиллар атрофлича ўрганилган.

Битирув малакавий иши ишининг иккинчи боби “**Ўзбекистонда мева-сабзавотни қайта ишлаш саноатини ҳозирги ҳолати**” деб номланиб, унда Республикада мева - сабзавот маҳсулотларини етиштириш , ишлаб чиқариш таркиби ва динамикасининг таҳлили, Ўзбекистонда мева - сабзавот маҳсулотлари қайта ишлаш саноатини ривожланиш хусусиятлари ўрганилган. Шунингдек экспорт динамикаси ҳам атрофлича ўрганилган.

Битирув малакавий иши ишининг учинчи боби “**Ўзбекистоннинг мева-сабзавотни қайта ишлаш саноатини ривожлантириш йўллари**” деб номланиб, унда Ўзбекистоннинг мева-сабзавотчилик соҳасини молиявий кўллаб қувватланиши, Ўзбекистоннинг мева-сабзавотни қайта ишлаш саноатини модернизациялаш, Ўзбекистоннинг мева-сабзавотни қайта ишлаш саноатини ривожлантириш муаммолари ва келажак истиқболлари белгиланган.

Битирув малакавий иши ишининг **хулоса ва таклифлар** қисмида тадқиқотнинг ҳар бир боби бўйича олинган натижалар умумлаштирилган ва Ўзбекистонда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари янада ривожлантириш истиқболлари юзасидан илмий - амалий таклиф ва тавсиялар шакллантирилган.

1 Боб Ўзбекистоннинг мева-сабзавотни қайта ишлаш саноатини ривожлантиришнинг назарий-услубий асослари

1.1. Мева-сабзавотчиликни ривожлантиришнинг моҳияти ва илмий назарий асослари

Ўзбекистоннинг табиий иқлим шароитига кўра боғдорчилик, узум, сабзавот маҳсулотлари етиштиришга жуда ҳам қулай ҳудудлар қаторига киради. Бу соҳода ўлкамиз бир қатор хорижий мамлакатларга нисбатан табиий рақобот устунликларига эга. Чунки, ўлкамизда етиштирилаётган бу маҳсулотлар ер қуррасининг бошқа минтақаларидан фарқли равишда ўзининг лаззати, таркибида шакар ва витаминларга бой бўлиши хусусиятлари билан ажралиб туради. Шу боис, Ўзбекистон боғдорчилик, узум ва сабзавот маҳсулотларини экспорт қилувчи етакчи мамлакатлардан бири бўлиб, бу соҳада ташқи-савдо операцияларини янада кенгайтирмоқда.

Мустақиллигимизга қадар республикамизда асосий эътиборни пахтачиликка бериб, боғдорчилик ва узумчилик ҳамда сабзавотчилик соҳаларига эътибор етарли бўлмаган эди. Натижада ҳосил берувчи боғ ва узумзорлар майдони жуда қисқариб кетган эди.

Эндиликда яроқсиз бўлиб қолган боғ ва узумзорларни совуққа чидамли серҳосил навлари билан янгилаб бориш асосида улар ялпи ҳосилини кўпайтиш, уларни қайта ишлаш саноатини барқарор ривожлантиришга имконият яратади. Шунингдек интенцев боғларни ривожлантиришга қаратилган эътибор соҳани ривожлантиришнинг асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Маълумки, кейинги йилларда бозор иқтисодиётига мос равишда хўжалик юритишнинг шаклларида катта ўзгаришлар содир бўлмоқда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқиш тўлиқ деҳқон ва фермер хўжаликларига тўғри келмоқда. Бошқа соҳалар каби боғдорчилик ва сабзавотчиликда ҳам фермер хўжалиklarининг истиқболи каттадир. Бу соҳада ҳам ихтисослаштириш жараёнидан фойдаланиш катта самара беради. Сабзавотчиликда ҳам экинларни алмашлаб экиш, ердан унумли фойдаланиш, ҳосилдорлик, меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқариш рентабеллиги бўйича юқори натижаларга эришишга имконият яратади.

Мамлакатимизнинг турли минтақаларида узум навлари ҳосилдорлиги ва унинг таркибида шакар моддасининг миқдори маҳаллий иқлим шароитидан келиб чиқиб ҳар хил бўлади. Албатта, республикамизнинг жанубий минтақаларида узум таркибида шакар моддаси шимолий минтақалардагига нисбатан анча юқори. Мутахассислар фикрига кўра, мамлакатимиз ҳудудида етиштирилган узум навларидан таркибида шакар моддасининг бошқаларига нисбатан кўп бўлади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришдаги самарадорлик бошқа кўп омилларга, жумладан, техникадан, ишчи кучларидан фойдаланиш даражаси, агротехник ишларнинг ўз вақтида бажарилиши ва ҳ.к. Жумладан, мева, узум ва сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқаришда кўл меҳнатидан кенг

фойдаланилади. Бозор талаблари эҳтиёжларини яхшироқ кондиритиш учун маҳсулотларнинг стандартлари, сифатига кўра саралаш жараёнида айниқса кўл меҳнати кўп жалб этилади. Хорижий адабиётлардан маълум бўлишича, ривожланган мамлакатларда сотиладиган маҳсулотларни чиройли кўринишда қадақлаш ва реклама қилиш каби чора-тадбирларга жами маблағ ва меҳнатнинг 15 фоиздан кўп қисми сарфланади. Боғдорчилик, узум ва сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқаришда кўл меҳнатини камайитириш, имкони борича кичик механизация қуролларидан фойдаланишни йўлга кўйиш соҳанинг меҳнат унумдорлиги, унинг самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлади.

Ўзбекистонда аҳолининг боғдорчилик, узум ва сабзавот маҳсулотларига бўлган талаби, ўзимизда етиштирилган маҳсулотлар ҳисобига кондиритилиб чет мамлакатларга ҳам катта миқдорда экспорт қилинмоқда.

Кейинги йилларда боғдорчилик, узум ва сабзавот маҳсулотларининг қайта ишланган маҳсулотлар улуши ошиб бормоқда. Шу билан биргаликда замонавий технологиялардан хусусан сақлаш технологияларини жорий қилишга катта эътибор берилмоқда. Қайта ишланган маҳсулотларни узоқ масофаларга, иқлим шароитига кўра мева сабзавотларни етиштириш имкони чегараланган вилоятларга етказиб бериш хусусиятлари, соҳанинг барқарор ривожлантиришни тақоза қилади. Истеъмолчиларнинг маҳсулот сифатига, улар ассортиментига ҳамда йил давомида бир текис таъминланишига бўлган талаблари кучайиб бораётганлиги туфайли, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлашнинг аҳамияти ортиб бормоқда.

Яна шуни эътиборга олиш жоизки, мутахассислар таҳлилига кўра, мева-сабзавотларни қайта ишлаш жараёнида 30 фоизгача миқдорда истеъмолга яроқли чиқиндилар чиқади. Ана шу чиқиндилардан ёғ, озуқа, табиий бўёқлар ажратиб олиш мумкин экан. Шуни эътиборга олиб, мева-сабзавотларни кетма-кет, узулуксиз технологик жараён услубида мукамал қайта ишлаш, бу соҳада самарадорликни янада оширишга имкониятларини яратади.

1.2. Ўзбекистонда мева-сабзавотчиликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 4 январдаги “2016 йилда мева-сабзавот маҳсулотлари, картошка, полиз ва узум ишлаб чиқариш ҳамда улардан фойдаланишнинг истиқбол кўрсаткичлари тўғрисида”ги 1-сонли қарорига асосан 10 млн. 458 минг тонна сабзавот, 1 млн. 980 минг тонна полиз, 2 млн. 833 минг тонна картошка, 2 млн. 874 минг тонна мева ва 1 млн 601 минг тонна узум етиштириш белгилаб олинган.

2016 йилда барча тоифа хўжалиklarининг асосий, оралиқ ва такрорий майдонларига сабзавот, полиз ва картошка экинларини экиш учун жами 2875 тонна сабзавот уруғи, 613,5 тонна полиз уруғи ва 446,1 минг тонна картошка уруғлари ҳамда 12,6 млн. дона мевали ва 10,3 млн. дона ток кўчатлари фермер хўжалиklари ва аҳоли хонадонларига етказиб берилган.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб қишлоқ хўжалигини, мева-сабзавотларни қайта ишлашнинг ҳуқуқий асосини яратишга катта эътибор бериб келинмоқда. Бунга республика Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган қонунлар, Президентнинг фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари яққол мисол бўлади:

- «Қорхоналар тўғрисида»ги;
- «Мулк тўғрисида» ги;
- «Ижара тўғрисида» ги;
- «Тадбиркорлик тўғрисида» ги;
- «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида» ги;
- «Инвестициялар тўғрисида» ги;
- «Чет эл инвестициялари тўғрисида» ги;
- «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида» ги;
- «Ер кодекси»;
- «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида» ги;
- «Меҳнат кодекси»;
- «Қишлоқ хўжалик қорхоналарини санация қилиш тўғрисида» ги;
- «Қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкатлар) тўғрисида» ги;
- «Фермер хўжалиги тўғрисида» ги;
- «Қишлоқ хўжалиги қорхоналарини санация қилиш тўғрисида» ги;

қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари контракция шартномаларини тузиш ва бажариш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида» ги қарори, Республика Президентининг «Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва бошқа фармонлари шулар жумласидандир. Мамлакатимизда давлат раҳбарлигида қишлоқ хўжалигини молиялаштириш, кредитлаш ҳамда солиқлар тизимлари ишлаб чиқилиб, улар ҳаётга босқичма-босқич татбиқ қилинмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 20.01.2016 йилдаги 13-сон Қарори билан Вазирлар Маҳкамасининг «Мева-сабзавот маҳсулотлари, картошка, полиз маҳсулотлари ва узумни экспорт қилишни тартибга солиш механизмини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 28 августдаги 249-сон қарорига ўзгартириш киритилди.

2016 йил 1 июлга қадар автотранспорт воситаларидан фойдаланган ҳолда мева-сабзавот маҳсулотлари, картошка, полиз маҳсулотлари ва узумни (ТИФ ТН коди 07-08) экспорт қилишга рухсат берилиши муддати узайтирилди.

Бундай рухсат бериш таомили мева-сабзавот маҳсулотларидан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш бўйича Ишчи гуруҳ томонидан тасдиқланган рўйхатга киритилган юридик шахсларга татбиқ этилади.

Республика бўйича 2016 йилда барча тоифа хўжалиklarининг асосий майдонларига 204,6 минг гектар сабзавот (сабзи, помидор, пиёз, карам ва бошқа экинлар), 86,1 минг гектарга картошка ва 52,8 минг гектарига полиз экинлари экиш белгиланган. Жойлардан олинган даслабки маълумотларга кўра ҳисобот даврида 185 минг гектар майдонга сабзавот, 26,2 минг гектар майдонга полиз ва 91,2 минг гектар майдонга картошка экинлари экилган.

Дехқон ва фермер хўжалиklари томонидан эрта баҳорда асосий майдонларга сабзавот, полиз ва картошка экинлари экиш ишлари давом этмоқда.

Республиканинг деҳқон ва фермер хўжалиklарда 266,8 минг гектар боғлардан 210,7 минг гектари ҳосилли, 143,9 минг гектар тоқзорлардан 119,7 минг гектари ҳосилли бўлиб, уларнинг ҳосилдорлигини ошириш, сифатини яхшилаш ва ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун баҳорги муҳим агротехник тадбирлари фермер ва деҳқон хўжалиklари томонидан сифатли ва ўз муддатида ўтказилмоқда.

Республика бўйича ҳисобот даврида 8,1 минг гектар пакана ва ярим пакана (интенсив) мевали боғлар ҳамда 4,8 минг гектар янги тоқзорлар барпо этилди.

Республикадаги боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган фермер хўжалиklarининг яроқсиз боғ ва тоқзорлар реконструкция қилиш ишлари бўйича 6 минг гектар мевали боғлар ва 3,5 минг гектар тоқзорлар реконструкция қилинди.

Бугунги кунда янги боғ-тоқзорлар ва интенсив боғлар барпо этиш ва экиш ишлари давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 18 февралдаги “Республика озиқ-овқат саноатини бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2492-сон, 2016 йил 7 апрелдаги “Янги ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилувчи ихтисослаштирилган “Ўзагроэкспорт” ташқи савдо компаниясини ташкил этиш тўғрисида”ги ва 2016 йил 8 апрелдаги “Мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш ва ғамлаш корхоналари уюшмаси - “Ўзбекизоқовқатзахира”ни ташкил этиш тўғрисида”ги қарорлари қабул қилинди.

Президентимизнинг жорий йилнинг 12 апрелда “Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори кишлоқ хўжалиги ривожини янги босқичга олиб чиқди. Унда ушбу турдаги кишлоқ хўжалик маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ҳамда сақлаш инфратузилмасини такомиллаштириш юзасидан ғоятда долзарб ва истиқболли вазифалар белгилаб берилди.

Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини саноат усулида қайта ишлаш учун давлат буюртмаси доирасида харид қилиш фермер ва деҳқон хўжалиklари ҳамда “Ўзбекизоқовқатхолдинг” компанияси таркибига қирадиган хусусий шаклдаги қайта ишлаш корхоналари ўртасида тузиладиган контрактация шартномалари асосида шартнома қийматининг

40 фоиздан кам бўлмаган миқдорда бўнак бериш орқали бозор нархларида харид қилиниш тартиби белгилаб қўйилди.

Шунингдек, Қарорга кўра қуритилган ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари экспортга олдиндан 100 фоиз тўлаш ёки аккредитив очиш ёхуд харидорнинг молиявий барқарорлик даражаси юқори бўлган энг ишончли банклари қафолати билан, ҳўл мева-сабзавот маҳсулотлари эса олдиндан камида 30 фоиз тўлаш шартлари асосида етказиб берилиши белгиланди.

Қарорнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, 2019 йилнинг 1 январигача мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узумни қайта ишлайдиган хусусий мулк шаклидаги корхоналар, идоравий мансублигидан қатъий назар, замонавий ускуна ва технологиялар олиб киришда божхона тўловларидан (божхона йиғимларидан ташқари), “Ўзбекизоқовқатхолдинг” холдинг компанияси таркибига қирадиган қайта ишлаш корхоналари ягона ижтимоий тўловдан ташқари даромад солиғи, юридик шахслар мулк солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар ягона солиқ, давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этилади.

Бунда, ушбу бандга мувофиқ солиқ ва божхона имтиёзлари берилиши ҳисобидан бўшайдиган маблағлардан ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш ва модернизация қилиш учун мақсадли фойдаланилиши лозим. Бўшаган маблағлардан мақсадсиз фойдаланилган тақдирда улар қайтариб олинми, бюджет ва тегишли давлат мақсадли жамғармаларига ўтказилиши белгиланди.

Таъкидлаш керакки, бундай мўл ҳосил асосан кишлок хўжалигида ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, селекция ишларини яхшилаш, ғўза ва бошоқли дон экинларининг районлаштирилган навларини жорий қилиш, замонавий агротехнологияларни ўзлаштириш эвазига таъминланди.³

Мустақилликнинг дастлабки йилидан бошлаб кишлок хўжалигини хусусан “Мева–сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари муттасил қабул қилиб келинмоқда, яъни соҳани ривожлантириш учун жуда катта ҳуқуқий имкониятлар яратилмоқда.

Мустақиллик йилларида республикамиз кишлок хўжалигининг аҳамиятли тармоқларидан бири, мева-сабзавотчиликни ривожлантириш, мева-сабзавотчилик ва узум хомашёсини етиштириш, дастлабки қайта ишлаш ва сотиш жараёнларида юзага келган маммоларни бартараф этиш, соҳани бозор иқтисоди талаблари асосида ислоҳ қилиш ва ривожлантириш бўйича қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинган.

Республика кишлок хўжалиги шу жумладан мева-сабзавотчилик тармоғи қорхоналари фаолияти ва соҳада кооперацияни ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва меъёрий асослари таҳлили, шуни кўрсатмоқдаки кишлок хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, уни қайта ишлаш ва сотиш тизими қорхоналари ўртасида узвий (кооперацион) алоқаларни йўлга қўйиш ва ривожлантириш учун қонуний асосларни янада такомиллаштириш талаб этилади. Маълумки аграр соҳада кооперация муносабатлар, кишлок хўжалиги тармоқлари ўртасида ишлаб чиқариш муносабатлари доирасида ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи субъектларнинг мавжуд моддий ва молиявий ресурслардан янада самарали фойдаланиш, ишлаб чиқариш жараёнларини модернизациялаш, улар ўртасидаги ўзаро иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатларни ўзаро манфаатдорлик асосида ўрнатиш орқали моддий манфаатдорликларини таъминлаш учун замин яратади. Зеро аграр соҳа тармоқларининг якуний мақсади ҳам мамлакат аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига, қайта ишлаш тармоқларининг сифатли хом ашёга бўлган талабини янада тўла қондиришдан иборат.

Кооперативнинг асосий мақсади эса ўз аъзолари даромадларини ошириш, кишлок хўжалиги ва саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда харажатларни камайтириш, кооперация аъзоларининг ўз маҳсулотлари билан ташқи ва ички бозордаги мавқеини оширишдан иборатдир. Лекин кишлок хўжалигида кооперация муносабатларини жорий этиш учун маълум даражада имконият ва қулай шароит мавжудлигига қарамай унинг ривожланиши талаб даражасида эмас. Бизнинг фикримизча бунга асосий сабаблардан бири соҳада кооперация муносабатларини ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва меъёрий асосларининг талаб даражасида шаклланмаганлиги ҳисобланади. Бизнинг фикримизча кишлок хўжалигида шу жумладан мева-сабзавотчилик тармоғида кооперация муносабатларини ташкил этиш ва ривожлантириш учун аввалом бор ҳуқуқий базасини шакллантириш мақсадга мувофиқ. Қишлоқ хўжалигида кооперация тўғрисидаги қонуни қабул қилиниб, бунда қишлоқ хўжалигининг барча тармоқлари шу жумладан мева-сабзавотчиликнинг ҳам ўзига хос бўлган хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тегишли моддалар ва бандлар киритилиши лозим. Амалга оширилган тадқиқот ва таҳлил натижаларига таянган ҳолда бизнинг фикримизча қишлоқ хўжалиги шу жумладан мева-сабзавотчиликда кооперацияни ривожлантиришнинг ҳуқуқий ҳамда меъёрий асосларини ривожлантириш ва бу борадаги муаммоларни бартараф этиш қуйидаги йўналишларда ҳал этилиши мақсадга мувофиқ. Ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатларидаги камчилик, муаммолари ҳамда ечимлари:

1). Амалдаги қонунларда қишлоқ хўжалиги шу жумладан мева-сабзавотчилик тармоғи ҳамда республика ҳудудларининг ўзига хос бўлган хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тегишли ҳолатларнинг ўз аксини топмаганлиги. Ҳозирда қишлоқ хўжалиги қорхоналари фаолиятига тегишли бўлган қонун ҳужжатларига ўзига хос бўлган тармоқлар хусусан мева-сабзавотчиликни ҳудудий жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда ривожлантиришни кўзда тутадиган ўзгартиришлар киритиш. Мисол учун мева-сабзавотчилик ва узумчилик устун ривожланган ҳудуд ва туманларда кооперациянинг турли шакллари (вертикал, горизантал) ривожлантириш;

2). Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришда, тармоқда кооперациянинг турли мулкчилик шакллари асосланган Қишлоқ хўжалиги тармоқларида ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш тизими уйғунлигини таъминлаш учун дастлабки ҳолатда фермер хўжпиклари ва қайта ишлаш қорхоналари ўртасида кооперация б1 кооперативларни ташкил этиш улар фаолиятининг ташкилий-иқтисодий механизмларини меъёрий-ҳуқуқий базасининг етарли даражада шаклланмаганлиги. муносабатларини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини яратиш. (Қишлоқ хўжалигида кооперация тўғрисида//ги қонунда қишлоқ хўжалигининг барча тармоқлари шу жумладан мева- сабзавотчилик тармоғида кооперацияни ташкил этиш бўйича алоҳида бўлим киритиш);

3). Ҳозирги вақтда мева-сабзавотчилик тармоғида амалда бўлган меъёрий ҳужжатларнинг, техник талабларнинг эскирганлиги ва уларни такомиллаштириш зарурати. Мева-сабзавотчилик тармоғининг муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олган ҳолда мавжуд қонун ҳужжатларини бозор конъюктураси

³ И.А.Каримов. Мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасидан.

ва дунё стандартларига тўлқ жавоб берадиган ҳолатда қайта шакллантириш. Зарур ҳолатларда тармоқда сифатни бошқариш бўйича алоҳида ваколатга эга бўлган институтни ташкил этиш лозим;

4). Мева-сабзавот маҳсулотларига нарх ўрнатиш тартибининг вертикал характерда эканлиги (қайта ишлаш корхоналарининг монопол мовқега эга эканлиги кўзда тутилмоқда) ва шу сабабли мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликларининг ушбу масалага кераклича эътибор бермаётганлиги. Мева-сабзавот ва узум маҳсулотларига нарх белгилаш жараёнларини эркинлаштириш. Бунда нархларни ички ва ташқи бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда ўрнатиш тартибини жорий этиш зарур ҳолатларда бу масалага биз ҳзир қайд этган сифатни бошқариш ёки бошқа тегишли давлат ташкилотлари томонидан назорат ўрнатилиши лозим;

5). Мева-сабзавот ва узум маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарининг озуқа базасининг етишмаслиги Бунда улрнинг ўз озуқа базасини шакллантириш ёки ихтисослашган фермер ва деҳқон хўжаликлари билан кооперациялашуви имкониятларининг ёки қонуний таъминотининг чекланганлиги. Қайта ишлаш тармоғи озуқа базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун уларнинг ўз озуқа базасини ташкил этиш, фермер ва деҳқон хўжаликлари билан турли кўриниш ва шартлар асосида кооперациялашуви яъни ҳамкорлик қилиш имкониятини қонуний асосда мустаҳкамлаб қўйилиши лозим;

6). Қишлоқ хўжалиги шу жумладан мева- сабзавотчилик тармоғида шартномавий муносабатлар такомиллашмаганлиги ва шартномаларнинг номукамаллаги натижасида ҳар йили шартномаларда белгиланган кўплаб миқдордаги хом ашёнинг қайта ишлаш учун етказиб берилмаслиги Шартнома муносабатларини қатъий тартибга солиш, бунда аввало контрактация шартномаларининг тармоқ хусусиятлари ва маҳсулот турларидан келиб чиққан ҳолда янги шакллари ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этиш лозим;

7). Мева-сабзавотчилик ва узумчиликга ихтисослашган фермер хўжаликларини ташкил этиш бўйича кўрсатмаларнинг яъни Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг тўлиқ бажарилмаётганлиги ва уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича ишларнинг етарли эмаслиги. Республикаимизнинг ҳар-бир ҳудудининг ўзига хослиги яъни мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш учун иқлим шароити, қайта ишлаш корхоналарининг озуқа базасининг мавжудлиги каби омилларни ҳисобга олган ҳолда тармоқни ривожлантириш бўйича махсус давлат ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш тўғрисида ҳукумат қарорини қабул қилиш;

8). Мева-сабзавотчиликга жалб этилаётган ички ва ташқи инвестицияларнинг нисбатан камлиги ва инвестицион муҳитни яхшилаш бўйича ҳуқуқий ва меъёрий асосларнинг янада такомиллаштириш зарурати. Республикада мева-сабзавотчилик ва уни қайта ишлаш тизимига инвестицияларни жалб этишнинг имтёзли шартларини ишлаб чиқиш ва расмий тарзда эълон қилиш тармоққа киритилаётган инвестициялар ҳажмини ошишига кенг имкониятлар яратиш. Қишлоқ хўжалигида кооперацияни ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва меъёрий таъминотидаги муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари. Хулоса қилиб айтиш мумкинки қонун ва меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш бўйича берилаётган таклифлар қишлоқ хўжалиги шу жумладан мева-сабзавотчилик тармоғида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари етиштирувчиларнинг моддий манфаатдорлигини таъминлаш, тармоқдаги мавжуд имконият ва ресурслардан янада самарали фойдаланиш имкониятларини яради.

1.3. Мева-сабзавотчиликни қайта ишлаш саноатини ривожлантиришга таъсир қилувчи омиллар тавсифи

Ўзбекистон мева ва сабзавот маҳсулотларини наинки етиштириш ҳажми, балки уларни экспорт қилиш бўйича ҳам дунёда етакчи бўлган ўнта давлатдан бири саналади. Бугунги кунда 80 дан ортиқ мамлакатга 180 турдан зиёд сархил мева-сабзавот ва уларни қайта ишлаш асосида тайёрланган маҳсулотлар етказиб берилаётгани бунинг яққол далилидир.

«Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчилик тармоғини ривожланишини қўллаб-қувватлаш» лойиҳасининг асосий мақсади Сурхондарё вилоятидаги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчи ҳамда мева ва сабзавотчилик тармоғидаги қайта ишлаб чиқарувчи корхоналарни ва хизмат кўрсатувчиларни, аввалло мевачилик (уруғ, данак, ёнғоқсимон ва субтропик, шунингдек цитрусчилик қўшилган ҳолда) тармоқларининг моддий-техник базасини ва рентабеллик даражасини оширишдан иборат.

Сурхондарё вилоятидаги мева-сабзавотчиликка алоқадор қишлоқ хўжалиги корхоналарига қуйидаги мақсадлар учун кредит маблағларини йўналтириш кўзда тутилган:

- Томорқа ва боғларни ҳосилдорлиги юқори навли интенсив кўчатлар билан янгилаш;
- Янги технологиялар асосида уларни парваришлаш;
- Ҳосил йиғиб олингандан кейинги хизматларни кўрсатиш: мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш, қадоқлаш ва махсус автотранспортда ички ва ташқи бозорларга етказиш;
- Мева ва сабзавотчиликка алоқадор бошқа тадбирлар, яъни иссиқхоналар ва кўчатхоналар барпо этиш кабилар.

Имтиёзли кредитни Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси – сўм ёки АҚШ долларларида олиш мумкин. Бунда кредитнинг бир миқдор учун миқдори:

- Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш йўналишида кредитлаш, бунда юридик мақомга эга бўлган қишлоқ хўжалиги корхоналари учун кредит миқдори **600,0 минг АҚШ доллари**дан ошмаган миқдорда;


- Мева-сабзавот маҳсулотларини етиштирувчи ер майдони 6 гектардан кам ва 2 гектардан ортиқ бўлган фермерлар ва бозор хизматларини кўрсатувчилар (ҳосилни сақлаш, қайта ишлаш, қадоқлаш ва тарқатиш) билан боғлиқ кичик ташкилотларга **100,0 минг АҚШ доллари**дан ошмаган миқдорида;

- майдони 2 гектардан ошмаган мева-сабзавот маҳсулотларини етиштирувчи дехқон хўжаликларига **20,0 минг АҚШ доллари**дан ошмаган миқдорда кредит маблағлари ажратилади.

Кредит муддати 6 йилгача бўлиб (имтиёзли давр 2 йил), фоиз устамаси АҚШ доллари ҳисобидаги кредитлар учун 4,5 фоизгача, ўзбек сўми ҳисобидаги кредитлар учун 9 фоизгача этиб белгиланган. Бундан ташқари, миқдорнинг кредит олишдаги ҳиссаси кредит умумий қийматининг 20 фоиздан кам бўлмаслиги зарур.

АҚШ долларида олинган кредитлар ўзбек сўмида Марказий банкнинг расмий курсига мувофиқ кайтарилади.

Юқоридаги кредитлаш механизлари ва имтиёзлари ҳам соҳани ривожлантиришнинг асоси бўлиб хизмат қилади.



саноат тармоқларини ривожланиб бориши, хусусан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш саноати ҳам, қишлоқ хўжалигини ялпи ички маҳсулотда улишини пасайтирмоқда.

Маълумотларга кўра, мамлакатимизда ҳар йили 16 миллион тоннага яқин мева ва сабзавот маҳсулотлари етиштирилиб, аҳоли жон бошига қарийб 300 килограммдан сабзавот, 75 килограмм картошка ва 44 килограмм узум тўғри келмоқда. Бу оптимал, яъни мақбул деб ҳисобланадиган истеъмол меъёридан уч баробар кўп эканлиги таҳсинга лойиқдир.

Президентимиз ташаббуси билан истиқлол йилларида амалга оширилган туб ислохотлар иқтисодиётимизнинг муҳим таркибий қисми бўлган қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш, маҳсулот етиштириш ва уни қайта ишлаш ҳажмини муттасил ошириш имконини берди. Саховатли заминимизда етиштирилаётган ноз-неъматларга бўлган талаб ортиб бораётгани бежиз эмас, албатта. Бундан ташқари, пишиқчилик мавсуми эрта кўкламдан то кеч кузгача давом этадики, бу аҳолининг муҳим озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини йил давомида барқарор кондириш, қайта ишлаш корхоналарини узлуксиз хом ашё билан таъминлаш имконини беради.


Соҳада эришилаётган бундай ютуқлар Президентимиз ташаббуси билан Тошкентда бўлиб ўтган “Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари” мавзuidaги халқаро конференция иштирокчилари томонидан ҳам юксак баҳоланди.

Жаҳоннинг 40 та мамлакати ва 20 та халқаро ташкилотдан ташриф буюрган 200 нафардан зиёд меҳмонлар дунёда озиқ-овқат маҳсулотларига талаб тобора ортиб бораётган ҳозирги шароитда бундай маҳсулотларни етиштириш ва қайта ишлаш борасида Ўзбекистонда тўпланган тажрибани ўрганиш ҳар томонлама фойдали эканлигини алоҳида қайд этдилар. Дарҳақиқат, иқтисодиётимизнинг юқори технологияларга асосланган тармоқлари, хусусан, озиқ-овқат саноати жадал суръатларда ривожланмоқда. Мутахассисларнинг эътирофича, ички ва ташқи инвестициялар жалб этилган ҳолда, янги корхоналар ишга туширилаётгани, мавжуд қувватлар изчил модернизация қилинаётгани ютуқлар гарови бўлаётир.

Бугунги кунда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналар сони қарийб 7 мингтага етди. Бунинг самараси ўлароқ, илгари импорт эвазига таъминланган айрим турдаги маҳсулотлар аллақачон маҳаллийлаштирилиб, эндиликда “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” ёрлиғи билан экспорт қилинаётир. Фақат Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси тизимидаги корхоналарнинг ўзида мингдан зиёд турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилгани бунга яққол мисол бўла олади.

Мамлакатимиз мева-сабзавотчилик соҳасини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш борасида ҳам катта амалий ишлар қилинмоқда. Бунга барпо этилаётган, серҳосил пакана ва ярим пакана интенсив мевали боғларни мисол қилишимиз мумкин.

Серхосил пакана ва ярим пакана интенсив мевали боғлар барпо этиш



сингари дуненинг унга яқин мамлакатларига сотилаётгани бунинг тасдиғидир.

Мева-сабзавот маҳсулотларни қайта ишлаш корхоналари, ташқи бозор талабини инobatга олган ҳолда, қайта ишлаш ҳажмини муттасил ошириш пайидан бўлмоқда. Бунинг учун фермерлар томонидан етказиб берилётган маҳсулотлар билан кифояланиб қолмасдан, корхона тасарруфидаги 300 гектар экин майдонида қалампир, булғор қалампир, бақлажон, карам, қизил лавлаги каби сервитамин сабзавотлар етиштириш йўлга қўйилди. Бу ердан йиғиштириб олинаётган ҳосил ҳам пешма-пеш қайта ишланаяпти. Эътиборлиси, замонавий технологиялар ёрдамида кичик идишларга қадоқланаётган маҳсулотларни 2 йилгача сақлаш мумкин.

Мамлакатимизда кейинги йилларда ташкил этилган мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ва экспорт қилиш билан шуғулланадиган корхоналар иқтисодиётимизда тобора катта ўрин эгаллаб бормоқда. Негаки, уларда маҳаллий хом ашёни чуқур қайта ишлаш асосида тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан бирга, янги турдаги ноз-неъматлар тайёрлашга эришиляпти. Бу, ўз навбатида, қўшимча савдо йўлакларини очиш, ҳамкорлар сафини кенгайтириш, экспорт ҳажмини оширишга хизмат қилаётир.

1-жадвал

Саноат корхоналарининг энергия самарадорлигини ошириш лойиҳаси

Лойиҳа давомийлиги:	2011-2018й.
Кредит рақами:	Биринчи босқич - 4745-UZ Иккинчи босқич - 5241-UZ
Кредит миқдори:	4745-UZ -25 миллион АҚШ доллари 5241-UZ -100 миллион АҚШ доллари
Қатнашаётган банклар:	«Asaka» ДАТБ, «O'zsanoatqurilishbank» АТБ, «Hamkorbank» АТБ
Ҳуқуқий ҳужжатлар:	Ўзбекистон Республикаси ВМ Қарори №211, 25.07.2011й. Ўзбекистон Республикаси ВМ Қарори № 168, 12.06.2013й.
Амалга ошириш ҳудудлари:	Ўзбекистон Республикаси
Координацион идораси:	Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги / Лойиҳа координациялаш гуруҳи (ЛКГ)

Манба: <http://xs.uz/index.php/homepage/i-tisodijot/item/1861> сайти маълумотлари асосида.

1-жадвалда кўрсатилганидек, саноат корхоналарининг энергия самарадорлигини оширишга ҳам катта эътибор берилмоқда чунки ҳар қандан саноат тармоғини ҳаракатлантириш куч бу энергиядир. Лойиҳада белгиланганидек 2011-2018 йиллар мобойнида энергия манбаларини реконструкция қилиш ва самарадорлигини ошириш мақсадларига 125 млн долл. ажратилмоқда. Бу борада хозирнинг ўзида катта ишлар амалга оширилди.

2015-2019 йилларда мева-сабзавотни қайта ишлаш ва унга ишлов бериш бўйича умумий қиймати 150 миллион АҚШ долларилик 265 та инвестициявий лойиҳани қўшимча равишда амалга ошириш кўзда

тутилган. Бу Ўзбекистонда озиқ-овқат дастури ижроси изчил таъминланаётганининг амалий тасдиғи бўлиб, пировардида иқтисодиётимиз салоҳиятини янада юксалтиришда муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

1606 бўйича хулоса

II Боб Ўзбекистонда мева-сабзавотни қайта ишлаш саноатини ҳозирги ҳолати

2.1. Ўзбекистонда мева-сабзавот ишлаб чиқариш ҳамда экспорт қилиш динамикаси

Президентимиз Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида мева-сабзавотчилик, боғдорчилик, узумчилик ва чорвачилик каби тармоқлар жадал суръатларда ривожланаётгани таъкидланди.

Экспорт таркибида бир ёки бир неча товарлар улушининг сезиларли даражада ортиб кетиши бу товарлар нархи пасайган ёки уларга ташқи талаб қисқарган ҳолатларда экспортчи корхоналарни оғир аҳволга солиб қўйиши мумкин. Бунинг натижасида экспорт ҳажмининг қисқариши валюта тушумларининг камайиши, ташқи савдо балансининг ёмонлашуви ва корхоналар молиявий аҳволининг тангликка юз тутишига олиб келиши мумкин. Шунингдек, экспорт умумий ҳажмининг кам сонли давлатларга боғланиб қолиши ҳам қалтис ҳолат ҳисобланади.

Президентимиз томонидан маърузада илгари сурилган тайёр рақобатбардош маҳсулотлар экспортини фаол ошириш ва бу маҳсулотлар етказиб бериладиган мамлакатлар географиясини янада кенгайтириш вазифасини амалга ошириш экспорт ҳажмини барқарор ўстириш, ташқи бозордаги ўзгаришлар таъсирида унинг ҳажми кескин камайиши хавфини бартараф этиш имконини беради.

Экспорт қилинаётган товарларни диверсификация қилиш, уларни импорт қилувчи мамлакатлар географиясини кенгайтириш бу мамлакатлардан бири ёки бир гуруҳининг иқтисодиётида муаммолар рўй берганда ҳам экспорт ҳажмининг кескин пасайиб кетишига йўл қўймаслик имконини беради.

Биринчи навбатда, экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналар учун тақдим этилаётган имтиёзлар тизимини яна бир марта танқидий кўриб чиқиш, божхона тартиб-таомилларини янада соддалаштириш, уларни амалга ошириш муддатларини қисқартириш ва ташқи савдо операцияларини бажариш учун тарифларни пасайтиришга доир қўшимча чоралар кўриш лозим. Маҳсулот экспорти билан боғлиқ барча ҳужжатлар ва рухсат бериш тартиб-таомилларини расмийлаш-тиришнинг электрон шаклини кенг жорий этиш керак.⁴

2015 йилда мамлакатимизда 12 миллион 592 минг тонна сабзавот ва картошка, 2 миллион 731 минг тонна мева, 1 миллион 850 минг тонна полиз маҳсулотлари, 1 миллион 556 минг тонна узум етиштирилди. Бу рақамлар Ўзбекистоннинг экспорт салоҳияти юкорилигини кўрсатиб турибди.

2016 йил ҳосилидан бошлаб Ўзбекистонда ҳўл мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узум харид қилиш бўйича давлат буюртмаси жорий этилади. Бу Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом

⁴ И.А.Каримов Мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлан-тириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасидан.

Каримов 12 апрель, имзолаган «Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорда кўзда тутилган.

Ўзбекистондан мева-сабзавотлар экспорти мустақиллик йилларида босқичма-босқич кўпайтирилиб борилмоқда. 2010 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган туб ислохатлар натижасида қишлоқ хўжалиги ривожланиши билан бирга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш ҳамда экспортга чиқаришга катта эътибор берилмоқда. Бу борада пахта майдонларини мунтазам қисқартирилиб бориши ҳам катта таъсир кўрсатмоқда.

Ўтган 2015 йил 1,2 млрд. долларлик 592 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотлар экспорт қилинди.

2016 йилда 19,7 млн. тонна мева-сабзавот, картошка, полиз ва узум маҳсулотларини етиштириш, мева-сабзавотлар экспортини ҳажмини 1,4 млн. тоннага ва қийматини 3 млрд. долларга етказиш вазифаси кўйилган.

Мева-сабзавот маҳсулотларини жойлаштиришда қўшимча 200 минг гектар ер ажратилмоқда.

2016 йилда: мева-сабзавот маҳсулотларини ювиш, саралаш, кесиш, қуриштириш, қадоқлаш бўйича янги қувватларни ишга тушириш, ҳар йили бўлиб ўтадиган “Агротех-экспо” кўргазма-ярмаркаларда кичик бизнес субъектлари, фермер, деҳқон ва агрофирмаларни кенг иштирокини таъминлаш ва логистика инфратузилмаларини яратиш ва ривожлантириш, ҳамда 1,4 млн.тонна мева-сабзавот, полиз ва узум маҳсулотлари экспортини таъминлаш лозим.

Россия Қишлоқ хўжалик вазирлиги ва Москвадаги ўзбек элчихонаси расмийлари ўтказилган учрашувда, Ўзбекистондан мева-сабзавот сотиб олишни кўпайтириш масалалари муҳокама қилинган.


Ўзбекистондан 2015 йилда Россияга экспорт қилинган маҳсулотларининг 31 фоизини сабзавот, 24.8 фоизини мева ва ёнғоқлар, 13.4 фоизини спиртли ичимликлар, 12.9 фоизини тамаки маҳсулотлари, 10.6 фоизини эса мева шарбатлари ташкил этган.

20 январь куни Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси мева ва сабзавотни автоулов воситасида экспорт қилиш учун белгиланган муҳлатни 2016 йилнинг 1 июлига қадар узайтиришга қарор қилди.

Қишлоқ хўжалиги хомашёсини чуқур қайта ишлаш, етиштирилган маҳсулотларни сақлаш инфратузилмасини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган йили қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган 230 та корхона, 77 минг 800 тонна сиғимга эга бўлган 114 та янги совутиш камераси ташкил этилди ва модернизация қилинди. Мамлакатимизда мева-сабзавотларни сақлашнинг умумий қуввати 832 минг тоннага етказилди. Бу эса, йил давомида нархларнинг мавсумий кескин ошиб кетишига йўл қўймасдан, аҳолини асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, ушбу маҳсулотларни экспорт қилишни кенгайтириш, нарх-наво барқарорлигини сақлаш имконини бермоқда⁵.

3-расм

Ўзбекистондан мева-сабзавотлар экспорти динамикаси, минг тонна



⁵ И.А.Каримов Мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасидан

	турлари	тонна	жам нисба- тан, %да	т хажмида дунёда эгаллаган ўрни	қиймати, минг АҚШ доллари	қийматида дунёда эгаллаган ўрни
.	Ўрик	58 260,0	16,25	2	54 277,0	3
.	Қуритилган мева	40 494,0	7,25	4	32 246,0	10
.	Хўл мевалар	66 800,0	2,81	5	66 000,0	11
.	Олхўри ва тоғолча	42 014,0	5,8	6	27 862,0	10
.	Қуритилган ўрик	1 689,0	1,15	6	2 753,0	11
.	Бодринг	49 813,0	2,04	8	26 262,0	13
.	Карам	61 122,0	3,02	8	16 166,0	12
.	Хўл сабзавотлар	83 933,0	2,9	10	52 075,0	14
.	Майиз	17 194,0	2,18	11	19 862,0	14
0.	Узум	120 000,0	2,8	12	115 000, 0	16
1.	Сабзи ва шалғам	31 760,0	1,34	17	12 482,0	14
2.	Шафтоли	14 540,0	0,77	20	15 600,0	19

Манба: Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида.

2-жадвал маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак мамлакатимиз дунё мамлакатлари орасида мева-сабзавотчилик маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича 2013 йили муносиб ўрин тутган бўлса, ҳозирда бу кўсаткич янада ортган. Мева-сабзавотчилик соҳасида олиб борилаётган ислохатлар натижасида, 2020 йилларга бориб, жуда кўп маҳсулотларни чет мамлакатларга экспортга чиқара бошлашимизга аминман.

Ўзбекистон Республикаси 2015 йилда 2887,2 млрд. долл. мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилган бўлса бу кўрсаткич, 2016 йилда 3870 млрд. долл. прогноз қилинмоқда.

2.2. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш саноатини ҳозирги ҳолати.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан ташкил қилинган “Ўзбеккозиқовқатхолдинг” холдинг компанияси фаолиятининг 2016 йилда жадал ривожланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 декабрдаги 2458-сонли қарорига асосан 2016 йилнинг I чорагида “Ўзбеккозиқовқатхолдинг” компанияси тамонидан 43 та лойиҳалар бўйича ишлар амалга оширилиши режалаштирилган бўлиб, амалда капитал қўйилма ўзлаштириш прогнози 112,6 фоизга бажарилди ва бунинг натижасида 8,3 млн.долл. ўзлаштирилди.

Худудий инвестиция дастурлари доирасида маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда 2016 йил 1 чорагида режадаги 191 та ўрнига 237та лойиҳа амалга оширилиб, 1745 та янги иш ўринлари ташкил этилди. Бошқачароқ қилиб айтганда, 97 та янги корхона барпо этилди ва 140 та корхона замонавий ускуналар билан қайта жиҳозланди.

Мева-сабзавот маҳсулотларини ва узумни қайта ишлаш корхоналарининг эски ускуналарини янги, замонавийларига алмаштириш йўли билан модернизациялашга катта аҳамият берилмоқда. Кейинги 10 йил ичида Самарқанд, Тошкент, Қашқадарё, Андижон, Наманган ва Хоразм вилоятларидаги мева-сабзавот ва узумни қайта ишлаш корхоналарида Швецариянинг "BUHLER", Италиянинг "FBR ELPO" Германиянинг "FLOTBERG", Голландиянинг "GEERLOFS" компанияларининг энергия тежамли линиялари ўрнатилди.

"Agromir Samarqand", "Master Global Plus", "Gold Dried Fruits" ва "Green World" қўшма корхоналарида Швециянинг "TETRA PAK" ва Германиянинг "Hans Binder Maschinenbau" компанияларининг асептик кадоқлаш ва қуритиш линияларини хорижий ҳамкорлар ёрдамида ўрнатилиши натижасида юқори сифатли, халқаро стандартлар талабларига жавоб берувчи табиий мева-сабзавот шарбатлари, нектарларни ва қуритилган мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда ички ва ташқи бозорларга сотиш имкониятига эришилди.

Давлат инвестиция дастурлари доирасида ўтган 3 йил давомида соҳа корхоналари томонидан 124 та лойиҳа амалга оширилди ва ушбу мақсад учун 200,0 миллион доллардан ортиқ миқдорда инвестиция йўналтирилди. 2015 йилда ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 2013 йилга нисбатан 1,5 баробарга кўпайди. Тўғридан-тўғри йўналтирилган хорижий инвестициялар миқдори 5,5 миллион долларни ташкил этди.

Ҳозирги кунда дастурларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш лойиҳаларини киритишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Агарда 2012 йилда бу йўналишда атиги 88 та лойиҳа ижроси таъминланган бўлса, 2015 йилда уларнинг сони 1180 тани ташкил этди. Бу борада амалга оширилган ишлар натижасида 2012 йилга нисбатан сутни саноат усулида қайта ишлаш улуши 7,5 фоизга, гўштни қайта ишлашда 7,1 фоизга, мева-сабзавот маҳсулотларида 11,0 фоизга ошди.

Сўнгги уч йил давомида 400 тадан ортиқ янги номдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Озиқ-овқат тармоғининг республика саноатидаги улуши 2010 йилда 12 фоизга тўғри келган бўлса, бугунда бу кўрсаткич 18,21 фоизни ташкил этмоқда. Соҳанинг тез суръатлар билан раванқ топиши натижасида аҳолининг эҳтиёжи учун сарфланаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг қарийб 90 фоизи республикамызда ишлаб чиқарилмоқда. Бу дунё миқёсидаги энг юқори кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

2016 йилда холдинг компанияси бўйича корхоналарнинг ўз маблағлари, банк кредитлари ва хорижий сармояларни жалб қилиш ҳисобига 53,01 миллион доллар миқдоридан инвестиция ўзлаштириш белгиланган. Шу жумладан, умумий қиймати 11,52 миллион доллар бўлган 11 та лойиҳа тўлиқ ишга туширилиши лозим.

Жорий йилнинг январь-март ойларида ишлаб чиваришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун истиқболдаги 7,38 миллион доллар ўрнига 8,3 миллион доллар миқдоридан сармоя йўналтирилди ва бу борадаги истиқбол кўрсаткичи 112,6 фоизга бажарилди.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2016 йилда 445,5 миллиард сўмлик маблағ ҳисобига 1042 та инвестиция лойиҳалари ижроси таъминланиши ва 11849 та янги иш ўринлари ташкил этилиши кўзда тутилган. Жумладан, сутни қайта ишлаш бўйича 150 та, гўштни қайта ишлаш бўйича 97 та, мева-сабзавотни қайта ишлаш бўйича 160 та ва бошқа йўналишлар бўйича 635 та лойиҳа амалга оширилади.

Чорак давомида 30,96 миллиард сўм маблағ ўзлаштирилиб, 191 та лойиҳа амалга оширилиши ва 1339 та янги иш ўрни яратилиши белгиланган. Амалда 237 та лойиҳа амалга оширилади ва шу мақсад учун 43,04 миллиард сўмлик маблағ йўналтирилди (124,1 фоиз) ва 1745 та янги иш ўринлари ташкил этилди.(130,1 фоиз).

Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш, тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш масалаларида ҳам кенг ишлар амалга оширилмоқда.

2016 йилда "Ўзбекизоқовқатхолдинг" холдинг компанияси бўйича рақобатбардош, импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича 14 та лойиҳа амалга оширилади. Хусусан, "Мир сказок" МЧЖда мевали начинкали ва начинкасиз карамель, начинкали ва помадали шоколадли конфетлар, плиткали шоколад ва шоколадли зефир, "Fatih Lazzat maya" ХКда пресланган нонвойхона хамиртуруши, "Мармакс" ҚК МЧЖда балиқ консерваси ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Жорий йилнинг I чорагида маҳаллийлаштириш тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқариш истиқбол кўрсаткичи 134,7 фоизга бажарилди.

Янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, мавжудларини модернизациялаш ва қувватларни ошириш мақсадида жорий йилда давлат инвестиция дастури доирасида 43 та лойиҳа бўйича 53,01 миллион доллар маблағ ўзлаштирилиши режалаштирилган. 2016 йилнинг 3 ойида 8,3 миллион доллар миқдоридан инвестиция ўзлаштирилди ва белгиланган прогноз кўрсаткичи 112,6 фоизга бажарилди.

2016 йилда маҳаллийлаштириш дастурига кўра, 14 та лойиҳа бўйича 8,5 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиши белгиланган. Ўтган даврда 11,4 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади ва прогноз кўрсаткичи 134,7 фоизга бажарилди.

Ҳозирги пайтда Республикамызда кўплаб мева-сабзавотни қайта ишлайдиган саноат корхоналари мавжуддир. Бу корхонарни сони тобора ортиб бориши билан бир қаторда доимий равишда, уларни модернизациялаш ҳамда диверсификациялаш ишлари ҳам олиб борилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган 24 минг 730 та фермер хўжалиги, сабзавотчиликка ихтисослашган 3 минг 655 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг умумий ер майдони 197 минг 862 га. Боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган хўжаликларнинг ўртача ер майдони 6,8 гектарни, сабзавотчиликка ихтисослашган хўжаликларнинг ўртача ер майдони 8,1 гектарни ташкил этади. Фермер хўжаликларини таъсис этишда 267 та агрофирма ташкил этилди ва фаолият кўрсатмоқда. Ушбу агрофирмалар мева-сабзавот маҳсулотлари ва узумни харид қилиш ҳамда уларни тайёрловчи корхоналарга етказиб бериш билан шуғулланади. Янги ташкил этилган агрофирмалар Давлатимиз раҳбарининг юқоридан қайд этилган Фармони ва Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорига мувофиқ беш йилгача муддатга ер солиғидан озод этилади.

2012–2016 йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарни янада модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастурини рўёбга чиқаришга, фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалиги техникасини харид қилиш учун имтиёзли кредитлар ва лизинг хизматлари тақдим этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, «Ўзқишлоқмашлизинг» компанияси ва унинг ҳудудий тузилмавий бўлинмалари томонидан 2013–2016 йиллар мобайнида боғдорчилик, узумчилик ва сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларига 32 млрд. 921,3 млн. сўмлик 796 та трактор, машина ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги техникаси ва механизация воситалари лизинг асосида тақдим этилди. Биргина, 2015 йилда 9 млрд. 668,4 млн. сўмлик 146 та қишлоқ хўжалиги техникаси берилди.

Шартномалар асосида «Ўзкимёсоаноат» акциядорлик компанияси корхоналари томонидан 2015 йилда боғдорчилик, узумчилик ва сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларига 287,4 млрд. сўмлик минерал ўғитлар реализация қилинди. «Ўзнефтмаҳсулот» акциядорлик компанияси томонидан 2014–2015 йиллар мобайнида 10,2 млрд. сўмлик 3694 тонна дизель ёқилғиси етказиб берилди. Мамлакатимиз тижорат банклари томонидан 2015 йилда 314,2 млрд. сўмлик кредитлар ажратилди, шу жумладан боғдорчилик, узумчилик ва сабзавотчиликни ривожлантириш учун 93,7 млрд. сўмлик кредит берилди, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарга 88,1 млрд. сўм, иссиқхона хўжаликларини яратиш учун 71,4 млрд. сўм, музлатгич камераларини ташкил этиш учун 61 млрд. сўм ажратилди.

Озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш мақсадида охириги йилларда сабзавотлар, картошка, полиз экинларининг юқори сифатли, касалликка чидамли ва юқори ҳосилдор бўлган уруғларини жорий этиш чоралари кўрилди, интенсиф боғлар ва узумзорлар яратилди, шунингдек боғдорчилик ва узумчиликда фаннинг ишлаб чиқариш билан интеграциялашувини чуқурлаштиришга доир аниқ мақсадли ишлар ҳам олиб борилмоқда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва инфратузилмани ривожлантириш, ҳосилни сақлаш, шунингдек ички истеъмол бозорини бойитиш, аҳолини биринчи навбатда қиш-баҳор фаслида мева-сабзавот маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш ҳамда унинг экспорт қилинишини кенгайтириш юзасидан аниқ мақсадли ишлар олиб борилмоқда. 2015 йилнинг ўзида мамлакатимизда мева-сабзавот маҳсулотларини етиштирувчи 230 та корхона ва қуввати қарийб 78 минг тонна бўлган 114 та янги музлатгич камераси яратилди. Бугунги кунда мамлакатимизда 356 та музлатгич камераси мавжуд. Уларнинг умумий қуввати 832 минг тоннага етди.

Шу билан бирга қизғин муҳокама чоғида давра суҳбати иштирокчилари ўзаро тажриба алмашди, мавжуд муаммоларга эътибор қаратди, шунингдек боғдорчиликка, узумчиликка ва сабзавотчиликка ихтисослашган хўжаликларга хизматлар кўрсатиш самарадорлигини янада оширишга қаратилган ўз таклиф ва тавсияларини билдирди. Ушбу соҳадаги қонун ҳужжатлари сўзсиз ижро этилишини таъминлаш зарурлиги қайд этилди, бу эса ички бозорни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан бойитиш, озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади.

№ 3-жадвал

Ўзбекистон Республикасида айрим қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўрсаткичлари (минг тонна)

Маҳсулотлар тури	1991й	1995й	2000й	2010й	2015й	2015йил 1991йилга нисбатан %
Дон	1908	3215,3	3915	7391,0	7500,1	393,1
Мевалар	516,6	602,3	801,0	1710,3	2731,0	528,6
Узум	480,5	620,9	573,0	997,5	1556,0	323,8
Сабзавотлар	3324,1	2712,6	2643,1	6346,4	9923,0	298,5
Картошка	355,7	439,9	730,7	1692,9	2670,0	705,0
Полиз	925,8	471,9	359,1	1182,4	1850,0	199,8

Манба: Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида.

2015 йил Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари» мавзусидаги халқаро конференцияда озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлаш борасида республикамизда эришилган ютуқлар ва орттирилган амалий тажрибалар бутунжаҳон жамоатчилиги эътиборига ҳавола қилинди.

“Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари” мавзuidaги халқаро конференция мамлакатимиз озиқ-овқат саноати салоҳиятининг чинакам намоёнига айланди. Бинобарин, ушбу тадбирда иқтисодийнинг муҳим таркибий қисми, инсониятнинг ҳаёт даражаси ва турмуш фаровонлиги асоси ҳисобланмиш озиқ-овқат саноати соҳасини ривожлантириш борасида Ўзбекистонда тўпланган тажриба атрофлича ўрганилиб, ундан бошқа мамлакатларда ҳам дастур сифатида фойдаланилиши ижобий самара келтириши мумкинлиги яна бир бор такрорланди. Конференцияда сифатли, экологик тоза қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, мева-сабзавот ва узумни сифатли қайта ишлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада республикаимизда истикболли лойиҳаларнинг ҳаётга жорий этилиб келаётгани юқоридаги фикримизнинг далили бўла олади.

Сўнги ўн йил ичида йиллик қуввати 475 минг тонна бўлган 130 тадан ортиқ мева-сабзавот ва узумни қайта ишлаш корхоналари ишга туширилди ва 145 та янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, мева-сабзавот ва узумни қайта ишлаш 2,5 бараварга ошди. Агарда 2004 йилда 550,3 минг тонна хом ашё қайта ишланган бўлса, 2012 йилда 1463,0 минг тонна, 2013 йилда 1975,6 минг тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қайта ишланди. 2015 йилда эса бу кўрсаткич 2400,6 минг тоннадан ортиб кетди. 2015 йилда мева-сабзавот ва узумнинг қайта ишлаш улуши 18,3 фоизга (2004 йилда – 11,5 фоиз бўлган) ошди. Йилдан-йилга маҳсулот экспорт ҳажми ошиб, географияси ҳам кенгайиб борапти. Яқингача, маҳсулотларимиз асосан МДХ мамлакатларида сотилган бўлса, энди юртимизда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотлари Европа, Осиё, Америка қитъасининг ривожланган давлатларига, хусусан, Германия, Польша, АҚШ, БАА, Голландия, Туркия сингари мамлакат бозорларига етказиб берилмоқда.

2016 йилда мева-сабзавот ва узум маҳсулотларини қайта ишлаш шартли банкада 610 миллион мева-сабзавот маҳсулотлари (2012 йилга нисбатан 1,3 баравар ортиқ), шундай тарзда 220 миллион мева-сабзавот шарбатлари (1,3 баравар ортиқ), 155 минг тонна қуритилган мева (1,2 баравар ортиқ) ишлаб чиқариш кутилмоқда. Бу эса ички бозор эҳтиёжини тўлароқ қондириш, экспорт маҳсулот миқдорини ошириш имконини беради.

Мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш, экспорт ҳажмини ошириш, соҳадаги қайта ишлаш корхоналарига етарли миқдорда хом ашё етказиб бериш, бозорда озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган нархларнинг барқарорлигини таъминлаш учун яна 30 та туман мева-сабзавотчиликка ихтисослашган туманлар қаторидан жой олди.

Мамлакатимизда мева-сабзавотчилик корхоналарнинг тўлақонли ишлаши учун пухта замин яратиш, соҳа олдига жиддий долзарб вазифаларни белгилаб берди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳозирги пайтда, юртимизда қуритилган мева-сабзавот маҳсулотларини катта ҳажмларда етиштириш имкониятлари мавжуд. Шу боис, озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш учун боғларни, полизларни янада жадал кенгайтириш, помидор, қалампир, булғор қалампир, бақлажон, карам, қизил лавлаги сингари сабзавот маҳсулотларини етиштиришни босқичма-босқич кўпайтириб бориш, қайта ишланган рақобатбардош, экспортбоп маҳсулотлар тури ва ҳажмини ошириш, хориж компаниялари, савдо тармоқлари билан ҳамкорликни янги босқичга кўтариш, ташқи бозорда кенг қўламда маркетинг ишларини олиб бориш орқали, маҳсулотларнинг экспорт миқдорини ошириш асосий вазифаларимиздандир. Мева-сабзавотчиликни қайта ишлаш соҳаси олдига хом ашё базасини мустаҳкамлаш, уни сифатли қайта ишлаш, боғдорчилик ва сабзавотчиликнинг илғор усулларини жорий этишда сувдан янада унумли фойдаланиш, маҳсулдорлиги паст бўлган ерларда пахта майдонларини қисқартириб, озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш, ўсимликчиликда ҳосилдорликни ва чорвачиликда маҳсулдорликни ошириш, буларда замонавий агротехнологияларни кенг қўллаш, маҳсулот ҳажмини оширибгина қолмасдан, балки уларнинг сифати ва ассортиментини кўпайтириш, қишлоқ хўжалиги ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш ва тайёрлаш, тақсимлаш, қайта ишлаш ва сотиш тизимини такомиллаштириш, маҳсулотларни самарали сақлаш тизимини кенгайтириб, нобудгарчиликнинг олдини олиш, тайёр маҳсулотларни сотишда маркетинг ва тақсимлашнинг самарали тизимини яратиш каби қатор долзарб вазифаларни белгилаб берди. Ҳозирги кунда соҳада ушбу вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан барча зарурий чоралар кўрилмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти томонидан таъкидланишича, “озиқ-овқат хавфсизлигига эришиш, бу барча инсонларнинг хоҳлаган вақтда жисмоний, ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан етарли миқдорда хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлар билан таъминланишни англатади. Ушбу маҳсулотлар шахсни физиологик меъёрлар бўйича қониқтириши, унинг хоҳиш-истагига мос келиши ва фаол соғлом турмуш тарзини шакллантириши шарт”.

Озиқ-овқат хавфсизлиги ва уни таъминлаш омиллари қуйидагилардан иборат:

- жисмоний жиҳатдан озиқ-овқат маҳсулотларини олиш имконияти;
- иқтисодий жиҳатдан озиқ-овқат маҳсулотларини олиш имконияти;
- ташқи омилларга боғлиқ бўлмаган ҳолда мамлакатнинг озиқ-овқат мустақиллигига эришиш;
- мавсумий ва иқлимий омилларига чидамлик;
- озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ўсиш суръатларини таъминлаш.

Озиқ-овқат маҳсулотлари танқис бўлган мамлакатларда иқтисодий ўсиш секинлашганлиги ва аксинча, фуқаролари етарли рационда овқатланган давлатларда ривожланиш тезлашгани кузатишган.

Овқатланиш доираси ва иқтисодий ўсиш борасидаги изланишлар шуни кўрсатадики, 1 фоиз миқдордан кўпроқ оксил моддасини истеъмол қилиш ялпи миллий маҳсулотнинг йилига 0,49 фоиз ўсишини таъминлайди.

Ялпи миллий маҳсулот йилига 1 фоизга ўсиб борса, аҳолининг даромади 72 йилда 2 бараварга, ялпи миллий маҳсулот 2 фоизга кўпайса, одамларнинг пул маблағлари 36 йилда 4 бараварга ошади ва ҳоказо. Шу сабабли, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланиш даражаси мамлакат иқтисодиётининг ривожланишини белгилаб берувчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатда етарли миқдорда юқори сифатли, хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотларининг мавжудлиги ва аҳолининг тўлиқ рациондаги маҳсулотларни сотиб олиш имкониятига эгаллиги бу озиқ-овқат хавфсизлигининг таъминланганлигини кўрсатади.

Озиқ-овқат саноатида барқарор ривожланиш кузатилиб, ички бозор, асосан, ўзимизда ишлаб чиқарилган арзон ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдирилмоқда. 2015 йилда уюшма корхоналари томонидан қарийб 4,8 триллион сўмлик саноат маҳсулотлари тайёрланиб, истеъмолчиларга етказиб берилган. Хусусан, шакар ишлаб чиқариш 14,5 фоизга, қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 20,9 фоизга, сариёғ ишлаб чиқариш 47,3 фоизга, колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқариш 19,8 фоизга, сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш 25,2 фоизга, пишлоқ ва бринза ишлаб чиқариш 5,8 фоизга кўпайди. Маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш прогнози 155,8 фоизга, маҳсулот экспорти прогноз кўрсаткичи 101,7 фоизга бажарилди.

2015 йилда 80 та янги қандолат, ёғ-мой, консерва, гўшт ва гўшт маҳсулотлари ҳамда сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бу кўрсаткичларга корхоналарда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, қайта жиҳозлаш билан бирга янги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш орқали эришилмоқда. 2014 йилда Давлат инвестиция дастурига асосан озиқ-овқат саноатида умумий қиймати 81,2 млн. доллар бўлган 42 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилган бўлса. Шундан 35692 тонна (куввати 350 минг тонна бўлган “Ангрен шакар” корхонасини барпо этиш лойиҳаси бунга киритилмаган) ва 215 минг доллар ҳажмидаги қўшимча қувватлар ишга туширилди. Яна 9 та лойиҳа бўйича ишлар 2015 йилда якунланди. Бу лойиҳалар бўйича 2015 йилда 21,28 млн. долларлик инвестиция ўзлаштирилади.

Иқтисодиёт вазирлиги томонидан он-лайн режимида ишловчи SANOAT UZ маълумотлар базаси тизими ишламоқда, ҳар бир лойиҳага вазирлик, идоралар ва хўжалик бирлашмалари ходимлари масъул этиб белгиланган. Шунингдек, Иқтисодиёт вазирининг ўринбосари бошчилигида республика ишчи гуруҳи ташкил этилган ва фаолият юритмоқда.

Тасдиқланган тармоқ жадвалларига асосан, жорий йилнинг I ярмида умумий қиймати 546 та лойиҳани амалга ошириш белгиланган эди. Амалда 715 та (131%) лойиҳа ижроси таъминланди ва 4896 та (117%) янги иш ўринлари ташкил этилди. Жумладан, сутни қайта ишлаш соҳасида 80 та лойиҳа (113%), гўштни қайта ишлаш соҳасида 47 та (115%), мева-сабзавотни қайта ишлашда 38 та (127%) ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда 550 та (136%) лойиҳа амалга оширилди.

Жорий йилда мева-сабзавотни қайта ишлашда 37 та, бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда 173 та лойиҳа ишга туширилиши ва 3262 та янги иш ўринлар яратилиши белгиланган. IV-чоракда эса мева-сабзавотни қайта ишлашда 35 та, бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда 137 та лойиҳа амалга оширилиб, 2175 та янги иш ўринлари ташкил этилади.

Шу ўринда эътиборингизни озиқ-овқат саноати корхоналарининг ривожланиш бошқичларига қаратмоқчиман. 2014 йилда кенг қўламда ривожлана бошлаган соҳа саноатидаги инвестиция лойиҳалари асосида кўплаб кичик корхоналар барпо этилди. 2015 йилдан бошлаб ташкил этиладиган корхоналар ўртача корхоналар бўлиб, яқин 3-4 йилда улар ўзаро бирлашиб, 2020 йилга бориб, алоҳида кластерга эга йирик, манзиллашган корхоналарга айлантириладилар. Хом ашё етиштиришда ҳам илғор тажрибалар оммалаштирилади. Натижада мамлакатимиз учун дунёда мавжуд бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини етиштирувчи етук стратегик давлатлар сафидан жой олиш имконияти пайдо бўлади.

2.3. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш саноатини ривожлантириш ҳамда диверсификациялаш.

Экспорт диверсификацияси, яъни хорижга сотилаётган товарлар ва хизматлар номенклатурасининг кенгайтилиши, жами экспортда алоҳида товар ёки хизмат тури (айниқса, хом ашё) улушининг катта бўлишига барҳам берилиши, маҳсулотларимиз экспорт қилинаётган мамлакатлар географиясини кенгайтириш экспорт ҳажмининг барқарор бўлишини таъминлайди, миллий иқтисодиётнинг ташқи бозордаги салбий ўзаришларга таъсирчанлиги даражасини пасайтиради. Шунингдек, ташқи савдо айланмаси диверсификацияси – экспорт ва импортнинг товар номенклатурасини ва ҳамкор давлатлар сонининг кенгайтирилиши ҳисобланади.

Ўзбекистон президенти Ислом Каримовнинг 2016 йил 12 апрелдаги қарорида. Мамлакатимиздаги мева-сабзавотчиликни ривожлантириш ва уни қайта ишлаш борасидаги

асосий йўналишлар белгилаб берилди. Унда “Ўзагроэкспорт” чет эл савдо ташкилоти “Ўзбекизоқватхолдинг” Холдинг компанияси таркибида яратилади.

Янги корхона Ўзбекистон экспорт потенциали самарадорлигини оширишга ва замонавий савдо-логистик инфрақурилмасини ривожлантиришга қаратилган. Қарорда Ўзбекистонда хар йили ўтказиладиган мева-сабзавот ярмаркаси ташкил қилиш режалаштирилган. У ерда экспорт шартномалари имзолаш кўзда тутилган.

Хужжатда кўрсатилишича, 2016 йил 1 майдан бошлаб экспорт қилувчи корхоналар, жумладан кичик корхоналар, фермер ва деҳқон хўжаликлари, мева ва сабзавотлар экспорти эвазига олинган валютанинг 50% ни давлатга сотиши керак,

“Ўзбекизоқватхолдинг” Холдинг компанияси Ўзбекистон озиқ-овқат саноати корхоналари Ассоциацияси асосида Феврал охирида ташкил қилинган эди. Холдинг таркибига озиқ-овқат, ёғ маҳсулотлари, гўшт ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи 176 корхона кирди.

“Ўзвинсаноат-холдинг” холдинг компанияси экспортни ошириш учун ишлаб чиқилган янги чоралар ҳисобига мева-сабзавот ва узум маҳсулотларини хорижга сотиш ҳажмини 100 млн доллардан кўпроқча ошириши прогноз қилинмоқда.

Холдинг негизида 2016 йилнинг охирида турли вилоятларда барра мева-сабзавот ва узум маҳсулоти етиштириш билан шуғулланувчи 42 та агрофирма яратилади. Бу агрофирмалар 12 мингдан ортиқ фермер хўжаликлари билан яқиндан ҳамкорлик қилади.

Агрофирмаларнинг асосий фаолияти йўналиши узумзорларни тиклаш, реконструкция қилиш ва янгиларини яратишдан иборат. Бу бизга кўпроқ ҳосил олиш ва экспортни оширишга имкон беради. 18га18л биз 19,6 минг гектар янги узумзорга асос солдик. Бунда фермерларга кўчат сотиб олиш ҳамда махсус техника билан ёрдам берилди. Узумзорларнинг умумий майдони 99,6 минг гектаргача етказилди.

Ўзбекистон Марказий Осиё ҳудудида асосий сабзавот, мева ва узумлар етиштирувчи энг йирик ишлаб чиқарувчи ва уларни қайта ишловчи ҳисобланади.

Мутахассиснинг айтишича, узумзорлар қаторлари орасидаги бўш ерларда бошқа мева ва сабзавотлар экиш режалаштирилмоқда, бу янада кўпроқ ҳосил олишга имкон беради.

Бугунги кунда фермерлар ҳосилни сақлашда муаммоларга дуч келмоқдалар. Агрофирмалар уларга бу маҳсулотларни сифатли сақлаш имконини беради. Бунинг учун агрофирмаларда музлатгич камералари ва рефрижераторлар билан жиҳозланган омборлар мавжуд. Бу нафақат маҳсулотни сифатли сақлашга, балки йил бўйи у билан бир маромда таъминлашга имкон беради.

“Ўзвинсаноат-холдинг” компанияси Ўзбекистон агросаноат мажмуаси таркибига киради ва мамлакатдаги барча спиртли ичимликлар ишлаб чиқарувчиларини бирлаштиради. Холдинг таркибида 140 дан ортиқ корхона фаолият юритади, улардан 4 таси этил спирт ишлаб чиқаради, 95 таси бирламчи виночилик, 37 таси вино ва ликер-ароқ маҳсулотини қуйиш, 2 таси кўпикланувчи вино, 3 таси шиша идиш ишлаб чиқариш ва биттаси безаш билан шуғулланади.

Мамлакатимиз ҳудудлари бўйича мева-сабзавотларни, Тошкент, Самарқанд, фарғона водийси вилоятлари 70% дан ортиғини етиштиради.

№ 4-жадвал

Республика ҳудудларида мева-сабзавот маҳсулотларини саноат усулида қайта ишлаш даражаси

	Мева-сабзавотни қайта ишлаш, %	Ҳудудлар	Мева-сабзавотни қайта ишлаш, %
Қорақалпоғист он Республикаси	3,2	Самарқанд	17,8
Андижон	1,5	Сурхондарё	1,5
Бухоро	3,7	Сирдарё	4,9
Жиззах	6,1	Тошкент	4,0
Қашқадарё	5,7	Фарғона	1,5
Навоий	2,3	Хоразм	1,2
Наманган	14,7	Республика	6,3

		бўйича:	
--	--	----------------	--

Манба: Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида.

№ 4-жадвал маълумотларини таҳлил қилсак, қайта ишлаш борасида Наманган вилояти жами етиштирилган мева-сабзавотни 14,7 % ни, Самарқанд вилояти 17,8% ни, Жиззах вилояти 6,1% ни, Қашқадарё вилояти 5,7 % ни, республикаимиз бўйича эса атига 6,3 % и қайта ишланишини кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон президенти Ислон Каримовнинг 2016 йил 12 апрелдаги қарорида белгиланган вазифалар бу кўрсаткичларни ўзгартириб юборишига аминмиз.

№ 5-жадвал

2005-2015 йилларда республикада мева-сабзавот ва узумни қайта ишлаш ҳажми ва динамикаси

Кўрсаткичлар	2005 йил	2007 йил	2009 йил	2011 йил	2013 йил	2015 йил
Мевалар:						
Қайта ишлаш ҳажми, минг тонна	201,7	165,9	293,5	333,1	45,8	57,0
Қайта ишлаш даражаси, %да	21,2	13,1	19,0	17,7	8,9	21,1
Сабзавотлар:						
Қайта ишлаш ҳажми, минг тонна	308,1	634,0	679,6	778,6	252,2	528,7
Қайта ишлаш даражаси, %да	8,8	13,6	11,9	11,2	4,5	16,0
Узум:						
Қайта ишлаш ҳажми, минг тонна	192,5	191,1	231,2	252,2	305,1	383,2
Қайта ишлаш даражаси, %да	30,0	21,7	25,7	23,1	3,6	25,1

Манба: Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида.

№ 5-жадвал маълумотларидан кўринадикки 2005 илдан 2015 йилга қадар доимий равишда, мева-сабзавот ва узумни қайта ишлаш ҳажми динамик равишда ушиб келган. Мева-сабзавотларни етиштириш кўпайгани каби уларни қайта ишлаш даражаси ҳам ўсиб борганини кўришимиз мумкин. 2016 йил 12 апрел қарори асосида эса бу кўрсаткичлар 2020 йилгача қарийиб 2 мартага кўтарилиши кутилмоқда.

Озиқ-овқат саноати соҳасида кенг миқёсда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш масаласи бўйича бевосита очик ва эркин фикр алмашиш мақсадида жорий йилнинг 22 апрель куни Миллий матбуот марказида "Озиқ-овқат саноати: янги корхоналарни ташкил этиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш — тараққиёт кафолати" мавзусида оммавий ахборот воситалари ходимлари учун матбуот анжумани ўтказилди. Унда Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси раҳбарлари, масъул ходимлари, тизимдаги корхоналар вакиллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Истиқлол йилларида Ўзбекистоннинг озиқ-овқат стратегияси юқори самарадорликни намойиш қилди ва кенг эътироф этилди ва маъқулланди. Жумладан, Ўзбекистон озиқ-овқат сиёсатининг бир қанча асосий қисмлари илғор тажриба сифатида тан олинди ва БМТнинг Жаҳон озиқ-овқат дастури томонидан бошқа ривожланаётган мамлакатларга тавсия этилди.

2015 йилнинг I чорагида уюшма таркибидаги корхоналар томонидан таққослама нархларда 742,6 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, 106,2 фоизга (истикбол - 105,1%) ўсиш суръатига эришилди. Жумладан, ўсиш суръатлари қандолатчилик тармоғида 254,8 фоизни, озиқ-овқат тармоғида 243,6 фоизни, тамаки маҳсулотлари тармоғида 116,2 фоизни, шакар тармоғида 104,6 фоизни, ёғ-мой тармоғида 100,6 фоизни ташкил этди.

Маълумки, сармоясиз саноатда тараққиётга эришишни тасаввур этиб бўлмайди. Чунки ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, янги корхоналарни барпо этиш учун кенг миқёсда маблағ йўналтиришни талаб этилади. Шу боис ҳам озиқ-овқат соҳаси бўйича

инвестицияларни жалб этиш, чет эллик сармоядорлар иштирокида янги лойиҳаларни амалга ошириш масаласига алоҳида аҳамият берилмоқда.

Ўзбекистан Республикаси Президентининг 2013 йил 18 ноябрдаги 2069-сонли қарори билан тасдиқланган давлат инвестиция дастурига асосан 2014 йилда уюшма тизимидаги корхоналар томонидан 42 та лойиҳа амалга оширилиши ва 81,62 миллион АҚШ доллари миқдорида сармоя жалб этилиши кўзда тутилган. Белгиланган лойиҳалар ижросини таъминлаш бўйича жорий йилнинг ўтган 3 ойида 11,54 миллион доллар маблағ ўзлаштирилди ва давр истиқболи 124,9 фоизга бажарилди.

Иқтисодиёт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда 2015 йилда жами 1180 та лойиҳани амалга оширилиб 10333 та янги иш ўринларини ташкил этилган. Мазкур лойиҳалар ижросини таъминлаш ҳисобига 7950 тонна сутни, 3950 тонна гўштни, 10500 тонна мева-сабзавот ва узумни ҳамда 25800 тонна бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича янги қувватлари ишга туширилди.

2015 йилда 275 та лойиҳани амалга ошириш ишлари бажарилди, ёки белгиланган режа 119,0 фоизга уддаланди ва 2000 та янги иш ўринлари ташкил этилди.

2015 йилнинг биринчи ярмида 4000 тонна йиллик қувватга эга бўлган 7 та мева-сабзавотни ва 6050 тонна йиллик қувватга эга бўлган 43 та бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналар ишга туширилди.

Ўтган йилнинг 1 ярим йиллигида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш натижасида бир қатор муҳим ишлаб чиқариш корхоналари ўз фаолиятини бошлади, хусусан, Тошкент вилоятида "Ангрен шакар" корхонаси фойдаланишга топширилди. Бунинг натижасида, республика аҳолисининг шакарга бўлган эҳтиёжи ўзимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳисобига тўлиқ қондирилди.

2015 йилнинг дастлабки ойларида 170 та қайта ишлаш корхоналарида 10,15 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ўзлаштирилиб, модернизация ва реконструкция ишлари амалга оширилди. Натижада ушбу корхоналарда қурилган мева, гўшт, сут, нон ва қандолат маҳсулотлари, туз ҳамда минерал сувлар ишлаб чиқариш ҳажмларини ошишига эришилди.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, инвестиция лойиҳалари рўёбида нафақат сармояларни жалб этиш, балки чекка ҳудудларга саноатни олиб кириш, соҳанинг янги йўналишларини ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш каби жиҳатлар ҳам инobatга олинган. Жумладан, ўтган 2015 йилда Самарканд вилоятида "Сиёб Шавкат Орзу" фермер хўжалиги негизида сут маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган кичик корхона қурилиши якунланди, Тошкент вилоятида "Mehnat Malt" масъулияти чекланган жамиятида солод ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, шунингдек, Қашқадарё вилоятидаги мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган "Асл консерва" корхонаси тўлиқ модернизация қилинди, техник ва технологик жиҳатдан янгиланди.

№ 6-жадвал

Республикада озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш дастури доирасида мева-сабзавотчиликда амалга оширилган лойиҳалар.

Лойиҳаларнинг йўналишлари	Лойиҳалар сони		Ўлчов бир-лиги	Лойиҳаларни амалга ошириш	
	2014 йил	2015 йил		2014 йил	2015 йил
Интенсив боғлар	607	2 365	га	5 580	9 816
Янги токзорлар	1 977	2 015	га	9 035	9 880
Боғ реконструкция	1 505	2 660	га	4 138	12 255
Ток реконструкция	1 663	1 165	га	6 086	7462
Иссиқхоналар (фермер хўжаликларида)	751	558	га	422	297
Иссиқхоналар (аҳоли томорқаларида)	10 691	10 025	га	218,1	154

Музлаткичли омборхона	216	181	тонна	103 555	102 970
Қайта ишлаш ташкил этиш	326	247	тонна	222 112	318 048
ЖАМИ	17 736	19 216			

Манба: Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида.

№ 6-жадвал маълумотларини ўрганадиган бўлсак, республикада озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш дастури доирасида мева-сабзавотчиликда амалга оширилган 2014-2015 йиллар давомидаги лойиҳалар мамлакатимизда мева-сабзавотчилик соҳасини ривожлантиришнинг асоси эканлигини кўришимиз мумкин. Маълумотларга эътибор берсак 2014 йилга нисбатан 2015 йилда камида ярим барабор бўлмаса икки мартагача кўрсаткичлар оширилганлигини кўришимиз мумкин.

2016 йили Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Хужжатга мувофиқ, мамлакатимиз қайта ишлаш корхоналарини хомашё ресурслари билан мунтазам таъминлаш, ички истеъмол бозорини йил давомида сабзавотлар, картошка, мева ва полиз маҳсулотлари билан барқарор тўлдириш, шунингдек, ташқи бозорларда харидоргир ва рақобатбардош бўлган ҳўл мева ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмини кўпайтириш ва турларини кенгайтириш учун уларни етиштириш, ишлаб чиқариш ва харид қилиш бўйича ягона тизимни шакллантириш тартиби белгиланди.

«Ўзбекозиқовқатхолдинг» холдинг компаниясига ҳўл мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узумни саноат асосида қайта ишлаш учун харид қилиш;

«Ўзбекозиқовқатзахира» уюшмасига қиш-баҳор мавсуми учун ҳўл мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узумни ғамлаш;

«Ўзагроэкспорт» ихтисослаштирилган ташқи савдо компаниясига ҳўл мева-сабзавотларни экспорт қилиш вазибалари ва масъулияти юкланди.

Давлат буюртмаси доирасида маҳсулотларни саноат асосида қайта ишлаш учун харид қилиш, маҳсулот етказиб берувчилар – фермер ва деҳқон хўжаликлари ва истеъмолчилар – «Ўзбекозиқовқатхолдинг» холдинг компанияси таркибига кирадиган хусусий мулк шаклидаги қайта ишлаш корхоналари ўртасида тузиладиган контрактация шартномалари асосида шартнома қийматининг 40 фоизидан кам бўлмаган миқдорда бўнак бериш орқали амалга оширилиши кўрсатиб ўтилди.


Шу ўринда ҳўл мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узум фермер ва деҳқон хўжаликларидан келишилган, бозор нархларида харид қилиниши.

Хўл мева ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари «Ўзагроэкспорт» ихтисослаштирилган ташқи савдо компанияси томонидан хорижий шериклар билан тўғридан-тўғри тузилган экспорт шартномалари, шунингдек, фермер ва деҳқон хўжаликлари, агрофирмалар ва қайта ишлаш корхоналари ўртасида тузиладиган комиссия шартномалари бўйича экспорт қилиниши.

Қуритилган ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари экспортга олдиндан 100 фоиз тўлаш ёки аккредитив очиш ёхуд харидорнинг молиявий барқарорлик даражаси юқори бўлган энг ишончли банклари қафолати билан, ҳўл мева-сабзавот маҳсулотлари эса олдиндан камида 30 фоиз тўлаш шартлари асосида етказиб берилиши белгиланди.

Қишлоқ хўжалиги мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва иқтисодиётнинг ўсишида муҳим омил ҳисобланади. Шу сабаб ҳозирда қишлоқ хўжалиги соҳаси ривожланишини қўллаб-қувватлаш кўпгина мамлакатлар иқтисодий сиёсатидаги муҳим масалалардан бирига айланган. Ўзбекистон иқлимининг ўзига хослиги сабзавотчилик ва боғдорчиликни ривожлантириш учун жуда қулай. Шунинг учун республикаимизда қишлоқ хўжалигининг ушбу секторини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мева-сабзавот агрокластерининг функционал модели



Манба: Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги маълумотлари асосида тузилган.

№ 4-расм маълумотларида мамлакатимизнинг мева-сабзавотчилигини агрокластерининг функционал модели берилган бўлиб унда, мева-сабзавотчиликнинг ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, бошқариш, сақлаш экспорт қилишгача бўлган барча тузилмалари акс этган.

Мамлакат иқтисодиётнинг барқарор ривожланишида экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи тармоқлар экспорт салоҳиятидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Ҳозирги кунда Ўзбекистон қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг кўплаб турларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва экспорт қилишда йирик салоҳиятга эга.

Мева-сабзавотчилик мажмуаси маҳсулотлари экспортининг кенгайиши кўп жиҳатдан мажмуанинг фаолиятига, яъни ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига, уларнинг сифати, турлари ва жаҳон бозори конъюнктураси ўзгаришига бевосита боғлиқ. Айни вақтда қуйи мажмуанинг муваффақиятли ривожланиши ташқи иқтисодий фаолиятнинг қай даражада йўлга қўйилганлиги билан белгиланади. Шу ўринда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган мева-сабзавот маҳсулотларининг турлари бўйича жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигига баҳо бериб ўтиш экспорт салоҳиятини белгилаш ва стратегик йўналишларни аниқлашда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон нафақат ўз пахта толаси, балки сабзавот, мева, узум ва полиз маҳсулотлари билан ҳам дунёда машҳур бўлиб, уларнинг кўплаб турлари, навлари ўзига хос таъм хусусиятлари ва экологик тоза маҳсулот сифатида танилган. Ўзбек мева-сабзавот маҳсулотларининг мазкур хусусиятлари уларнинг жаҳон қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бозорларида юқори рақобатбардошлигини таъминлайди.

Иккинчи боб бўйича хулосалар

Иккинчи бобда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги ва мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш саноатини ҳозирги ҳолатини кўриб чиқдик. Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни қайта ишлаш соҳасини янада ривожлантириш ва экспортни ривожлантириш учун қуйидагиларни амалга ошириляпти:

1. Экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналар учун тақдим этилаётган имтиёзлар тизимини такомиллаштирилмоқда;
2. Божхона тартиб-таомилларини янада содалаштирилиб, ухам такомиллаштирилмоқда;
3. Маҳсулот экспорти билан боғлиқ барча ҳужжатлар ва рухсат бериш тартиб-таомилларини расмийлаштиришнинг электрон шаклини кенг жорий этилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш даражасини ошириш ва тармоқнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш учун қуйидаги тадбирлар мамлакатимизда амалга оширилмоқда:

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлашга йўналтирилган корхоналар тармоғини кенгайтириш;
- мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашга ихтисослашган совутиш камералари, уларни саралаш ва қадоқлаш пунктлари ҳамда ташиш билан шуғулланувчи махсус транспорт-коммуникация тармоғини кенгайтириш;
- қайта ишлаш саноатининг материал ва энергия сифимини пасайтириш, ресурс тежовчи кам чиқимли технологияларга устуворлик бериш;
- қайта ишлаш саноатини модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, илм-фаннинг ютуқлари ва илгор технологияларни ишлаб чиқаришга жадал қўллаш;
- биринчи навбатда қишлоқ жойларга мос келувчи қулай ва юқори унумдорликка эга мини-технологияларга устуворлик бериш;
- ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотлар ассортиментини ва сифатини жаҳон андозалари даражасига етказиш ҳамда рақобатбардошлигини ошириш;
- мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш ва бир вақтнинг ўзида қайта ишлаш билан шуғулланувчи ишлаб чиқариш мажмуалари, холдинглар, кластерлар ва илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари фаолиятини кенгайтириш;
- қишлоқ жойларда мева-сабзавот ва узумни қайта ишловчи корхоналари учун зарур бўлган инфратузилмалар, биринчи навбатда йўллар, газ, электр ва сув таъминоти ҳамда бошқа инженерлик-коммуникация тармоқлари билан узлуксиз таъминлашни йўлга қўйиш;

III Боб Ўзбекистоннинг мева-сабзавотни қайта ишлаш саноатини ривожлантириш йўллари.....

3.1. Ўзбекистонда мева-сабзавотчиликни молиявий қўллаб қувватларини.

Сабзавотчилик ва боғдорчиликни ривожлантириш йирик ҳажмда молиявий инвестициялар қўйишни, бу эса ўз навбатида катта миқдорда ва узоқ муддатли молиявий ресурсларни жалб қилишни талаб этади. Бу ерда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари учун кредит маблағларини тез олиш имкониятини яратиш алоҳида аҳамиятга эга.

Республикамизда сабзавотчилик ва боғдорчиликни ривожлантириш мақсадида молиявий ресурслар турли манбалар – махсус жамғармалар, тижорат банклари ва халқаро молия институтларидан жалб қилинмоқда.

2012 йилнинг сентябрида Жаҳон банки томонидан Ўзбекистонда боғдорчиликни ривожлантириш учун 40 млн. АҚШ доллари миқдорига кредит ажратилган. Лойиҳанинг биринчи босқичи доирасида 317 та қишлоқ хўжалик корхоналари иштирок этиб, улар қишлоқ хўжалик техникалари, технологик ускуналар, қадоқловчи ускуна ва материаллар сотиб олишлари учун 25,7 млн. АҚШ доллари миқдорига маюлаштирилди. Шунингдек, ушбу лойиҳа доирасида фермерлар 4,2 млн. АҚШ доллари миқдорига ўз маблағларини инвестиция қилдилар.

2007 йилда Хитой Тараққиёт давлат банки Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига 12 йил муддатга 60 млн. АҚШ доллари миқдорига кредитлар берган. Ушбу кредит мева-сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш учун мини-технологиялар ва мўъжаз жиҳозларни харид қилишга ҳам йўналтирилган. Кредит маблағлари ҳисобидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 7 йилгача бўлган муддатга 100 мингдан 1 млн. АҚШ долларигача миқдорда кредит берилган.

2014 йилда Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро фонди маблағлари ҳисобидан Сурхондарё вилоятида сабзавотчиликни ривожлантириш бўйича лойиҳани амалга ошириш бошланди.

№ 7-жадвал

Хорижий сармоядорлар билан амалга оширилиши кўзда тутилган лойиҳалар

Лойиҳалар номи	Лойиҳа млн. АҚШ долл.	Бажари ш муддати	Изох

Қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил қилиш	10,0	2016-2018 йилларда	Лойиҳанинг ТИА ишланмоқда, инвесторни излаш ишлари амалга оширилмоқда
Краҳмал патокаси ишлаб чиқаришни ташкил қилиш	4,0	2016-2017 йилларда	Инвесторни излаш ишлари амалга оширилмоқда
Сублимация қилинган маҳсулотлардан фойдаланган ҳолда тез тайёр бўладиган озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкил қилиш	4,5	2016-2017 йилларда	Инвесторни излаш ишлари амалга оширилмоқда
Мева-сабзавотларни қайта ишлашни ташкил этиш (мева концентралари, қандолатчилик саноати учун ҳар қил кўшимчалар, жем, пюре ва бошқалар)	2,2	2016-2017 йилларда	Инвесторни излаш ишлари амалга оширилмоқда
Озиқ-овқат саноати учун ускуналар ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	5,0	2016-2018 йилларда	Инвесторни излаш ишлари амалга оширилмоқда
Болалар таомларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш (сут, гуруч, ун, краҳмал, мева ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари)	15,0	2017-2019 йилларда	Инвесторни излаш ишлари амалга оширилмоқда
Озиқ-овқат саноати учун турли хилдаги идишлар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш	4,0	2016-2017 йилларда	Инвесторни излаш ишлари амалга оширилмоқда
Колбаса ва сосиска маҳсулотлари учун қопламалар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш	4,0	2016-2017 йилларда	Инвесторни излаш ишлари амалга оширилмоқда
Жами:	48,7		

Манба: <http://fikir.uz/>

№7-жадвал маълумотларидан кўринадики, мамлакатимизда 2015-2019 йиллар давомида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган тармоқларни, хорижий сармоялар билан амалга оширилиши кўзда тутилган лойиҳалар ҳам салмоқлидир.

Республикаимизда сабзавотчилик ва боғдорчиликни ривожлантиришни молиявий қўллаб-қувватлашда тижорат банклари ҳам фаол қатнашмоқда. Ушбу секторда фаолият кўрсатаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг имтиёзли равишда кредит маблағларини олишлари учун имкониятлар яратилган. Хусусан, мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича мини-технологиялар ва ихчам асбоб-ускуналар сотиб олиш учун фермер хўжаликлари ва кичик бизнеснинг бошқа субъектларига имтиёзли кредитлар 5 йилдан кам бўлмаган муддатга берилди, лизинг хизматлари кўрсатиш муддати 7 йилдан иборат бўлади. Мазкур кредитлар фоиз ставкалари Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги «Тижорат банкларининг кичик тадбиркорликни ривожлантиришда қатнашишини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 195-сонли Қарорига мувофиқ, ташкил этилган банкларнинг имтиёзли кредит бериш махсус жамғармалари маблағлари ҳисобидан берилганда Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда, банкнинг ўз маблағлари ва бошқа жалб этилган маблағлари ҳисобига берилганда ҳамда лизинг бўйича фоиз ставкаси қайта молиялаш ставкасидан ортиқ бўлмаган миқдорда ўрнатилади.

Тижорат банклари шахсий ёрдамчи хўжаликларга мевали дарахтлар ва узум кўчатлари сотиб олиш учун бир йиллик имтиёзли давр билан 3 йилгача бўлган муддатга, шунингдек, уруғликлар, минерал ўғитлар ва ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситаларини сотиб олиш ҳамда ихчам иссиқхоналар ташкил этиш учун олти ойлик имтиёзли давр билан 2 йилгача бўлган муддатга энг кам иш ҳақининг 100 баробаригача бўлган миқдорда микрокредитлар беради. Ушбу микрокредитлар учун фоиз ставкаси миқдори Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси даражасидан юқори бўлмаган миқдорда белгиланади.

Республикаимизнинг ноёб иқлими узумчиликни ривожлантириш учун қулай шароит туғдиради. Бу соҳа маҳсулотларига дунё бозорида талаб юқори бўлиб, иқтисодиётимиз рақобатбардошлигини оширади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 13 мартдаги «Республикада 2013-

2015 йиллар давомида узумчиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1937-сонли Қарори мамлакатимизда узумчиликни янада ривожлантириш, тоқзорлар майдонларини кенгайтириш, янги истиқболли ва серҳосил навларни жорий этиш, шунингдек, узумни қайта ишлаш ҳажмини кенгайтириш ва экспорт салоҳиятини кўпайтириш борасидаги вазифалар белгиланиши билан аҳамиятлидир. Мазкур ҳужжатга асосан республика бўйича 2015 йилга қадар 22,5 минг гектар янги тоқзорлар барпо этилади, 15,7 минг гектар яроқсиз тоқзорлар қайта реконструкция қилинади. Ушбу тадбирларни амалга ошириш учун узумчилик фермер хўжаликларига кўчатлар ва махсус кишлоқ хўжалик техникалари сотиб олишга Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасидан юқори бўлмаган фойз ставкаларида кредит бериш учун махсус кредит линияларини очиш тавсия қилинди.

Шунингдек, юқоридаги қарорда амалдаги узумни қайта ишлаш корхоналарини қайта таъмирлаш ва модернизация қилиш, янгиларини ташкил қилиш бўйича умумий қиймати 21 132 минг АҚШ доллари бўлган 32 та лойиҳани амалга ошириш белгиланган. Ушбу лойиҳаларни молиялаштиришга тижорат банкларининг 14 579 минг АҚШ доллари миқдоридан кредит маблағларини жалб қилиш мўлжалланган.

2013 йил давомида тижорат банклари томонидан мева-сабзавот, узум ва полиз маҳсулотларини етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш ва экспортни қўллаб-қувватлашга 364,8 млрд.сўм кредит ажратилган, бу 2011 йилдагига нисбатан қарийб 2 марта кўпдир. Ушбу кредитларнинг асосий қисми банкларнинг ўз маблағлари ҳисобидан берилган. Кредитларнинг 32%и кишлоқ хўжалиги техникалари, 13%и ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситалари ва минерал ўғитлар, 12%и уруғ ва кўчатлар, 6%и қайта ишлаш учун асбоб-ускуналар, 5%и махсус омборхоналар ташкил қилиш ва музлаткичлар, 1%и очиқ майдонда томчилатиб суғориш тизимларини сотиб олишга, шунингдек, 12%и иссиқхоналар ташкил қилишга, 6%и аҳолига мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш учун ва қолган қисми бошқа мақсадларга ажратилган.

Таъкидлаш лозимки, сабзавотчилик ва боғдорчилик соҳасида фаолият кўрсатадиган тадбиркорлар билан банклар ўртасидаги алоқаларнинг йилдан-йилга мустаҳкамланиши ҳудудларнинг барқарор иқтисодий ўсишининг муҳим омили бўлиб қолмоқда. Масалан, 2013 йилда Самарқанд вилоятидаги тижорат банклари филиаллари мавжуд интенсив боғлар ва узумзорларни қайта таъмирлаш ва янгиларини ташкил қилиш орқали боғдорчиликни ривожлантириш мақсадларига 15 млрд. сўм миқдоридан кредит маблағлари ажратган. Натижада 616,1 гектар янги анъанавий ва интенсив боғлар, 577 гектар узумзорлар ташкил қилинган, 724 гектар амалдаги боғлар ва узумзорлар қайта таъмирланган.

Вилоят иқтисодий салоҳиятини ошириш дастури доирасида кишлоқ хўжалик маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш бўйича кўп самарали лойиҳалар амалга оширилган. Ушбу йўналишда тижорат банклари муносиб чора-тадбирларни амалга оширди. Масалан, 2013 йилда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича қиймати 1,5 млрд. сўмдан зиёд бўлган 3 та лойиҳа молиялаштирилди. Банкнинг узоқ муддатли кредит ресурслари ҳисобидан «Гала Осие Нон» МЧЖ мева ва сабзавотларни қуритадиган янги замонавий технология ўрнатди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан фойдаланишнинг рационаллик даражасини ошириш республикаимизда сабзавотчилик ва боғдорчиликни самарали ривожлантиришнинг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади. Сўнгги 10-12 йил мобайнида суғориладиган ерларни яхшилаш мақсадида 1 млрд. АҚШ доллари миқдоридан ортиқроқ суммада 20 тадан кўпроқ лойиҳалар амалга оширилди. Натижада 740 минг гектардан кўпроқ суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди ва 60 минг гектардан ортиқ шўрланган ерлар майдони қисқарди.

Юқоридаги лойиҳалар доирасида жуда кўп насос станциялари ва коллекторлар қайта таъминланди, 459 та экскаватор, 123 та бульдозер, 65 та трейлер ва 311 та бошқа турли механизациялашган техникалар сотиб олинди, улар ҳозирги кунгача суғориладиган ерларни яхшилаш учун ишлатилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 2014 йилда халқаро молия институтларининг узоқ муддатли имтиёзли кредит ресурсларини томчилатиб суғориш тизимини ва суғоришнинг сувни тежайдиган бошқа технологияларини жорий этиш бўйича лойиҳаларни амалга оширишга жалб этиш режалаштирилган.

Ҳозирги кунда мева-сабзавотлар ва бошқа кишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун суғориладиган ерлар майдонини кенгайтириш, ирригация ва дренаж тизимларини қайта таъмирлаш учун Жаҳон банки, Ислон тараққиёт банки, Осие тараққиёт банки каби халқаро молия институтлари иштирокида бир қатор йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Юқорида таъкидланган лойиҳаларни амалга ошириш учун хорижий кредитларни жалб қилишда мамлакатимиз тижорат банкларининг роли катта ва аҳамиятлидир. Масалан, ҳозирги кунда икки томонлама ҳукуматлараро келишув доирасида Хитой эксимбанки томонидан ажратилган кредит линиясига республикаимиз тижорат банклари хизмат қилмоқда.

Шунингдек, тижорат банклари томонидан кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига томчилатиб суғориш тизимларини жорий этиш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси кредит линияси маблағлари ҳисобига имтиёзли равишда кредит бериш йўлга қўйилган. Ушбу кредитлар энг кам ойлик иш ҳақининг

1000 баробаригача миқдорда, 6 ойлик имтиёзли давр билан, камида 3 йил муддатга, хизмат кўрсатувчи тижорат банкининг маржаси ҳисобга олинган ҳолда, йиллик 6% ставкаси билан берилади.

Мамлакат иқтисодиётининг бошқа тармоқлари сингари сабзавотчилик ва боғдорчилик соҳасини янада ривожлантиришда давлатимиз Президентининг 2014 йил 7 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4609-сонли Фармони муҳим аҳамият касб этади. Мазкур фармонга биноан ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштириш, максимал даражада қулай инвестиция муҳитини яратиш, тадбиркорлик фаолиятини юритиш шароитларини тубдан яхшилаш, янги иш жойларини яратиш ва аҳоли бандлигини ошириш мақсадида банк тизимида бозор иқтисодиёти талаб ва тамойилларига жавоб берадиган тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ана шундай чоралардан бири кичик тадбиркорлик субъектларини ҳозирги давр талабларига жавоб берадиган кредитлашнинг янги тартиби жорий қилиниб, уларга қўшимча рағбатлантириш ва имтиёзлар бериш чоралари кўрилган. Хусусан, кичик бизнес субъектларига кредит ажратиш ва уни қайтариш муддатлари ўзгартирилди. Эндиликда бошқа тармоқларда фаолият кўрсатадиган кичик бизнес субъектлари сингари сабзавотчилик ва боғдорчиликда фаолият кўрсатадиган деҳқон ва фермер хўжаликлари, мева-сабзавотларни қайта ишлайдиган кичик бизнес субъектлари тижорат банкларининг Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармасидан кредит олиш учун берган аризаларини кўриб чиқиш муддати 10 иш кунидан 3 иш кунига қисқартирилди. Худди шундай ҳолат Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 20 августдаги 178-сонли Қарори билан тасдиқланган кредит бериш низоми бўйича ҳам юз берди. Бунга кўра, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича мини-технологиялар ва ихчам асбоб-ускуналар сотиб олиш учун фермер хўжаликлари ва кичик бизнеснинг бошқа субъектлари имтиёзли кредит олиш ва лизинг хизматларини кўрсатишга аризаларини кўриб чиқиш муддати 10 иш кунидан 3 иш кунига қисқартирилди.

Илгари инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун кредитлар муддатини узайтириш ҳуқуқисиз 5 йил муддатгача берилган бўлса, ҳозир инвестиция кредитлари муддати банк кенгаши томонидан белгиланади. Айниқса, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун айланма маблағларни тўлдиришга ажратилган кредитларни қоплаш муддатининг 24 ойгача чўзилиши айни муддао бўлди. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш цикли узоқ муддатли бўлгани учун капиталнинг доиравий айланиши ҳам узоқ муддат давом этади.

Шунингдек, кредитлар бўйича имтиёзли даврни белгилаш ҳуқуқи тижорат банклари томонидан ўрнатилади. Авваллари фақат инвестиция мақсадлари учун берилган кредитлар бўйича имтиёзли давр белгиланар эди.

Кредит олиш учун ҳужжатларни расмийлаштириш жараёнлари анча соддалаштирилди. Энди қарз олувчилар банкка кредит аризаси билан банк ҳисобварағидаги пул маблағлари оқими кўрсатилган ҳолда бизнес режаларини электрон шаклда топширишлари мумкин. Янги ташкил топган юридик шахслар, яқка тадбиркорлар ва юридик шахс мақомини олмасдан фаолият кўрсатаётган деҳқон хўжаликлари кредит олишлари учун бухгалтерия баланси, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисидаги маълумот, 90 ва ундан ортиқ муддатдаги қарздорликлар бўйича таққослама далолатнома, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботларни тақдим этмайдилар. Банклар қарз олувчилар томонидан кредит таъминоти сифатида тақдим этган молк-мулкни унинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда кредитнинг қайтарилган қисмига нисбатан гаровдан чиқариш ҳуқуқига эга бўлди. Тижорат банклари кичик тадбиркорлик субъектлари ҳисобварақларидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлаганда банк хизматлари учун тўловлар ундириши бекор қилинди. Уларга банкларнинг интернет-банкнинг тизими орқали хизмат кўрсатиши кенгайтирилади. Хўжалик субъектлари солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар, коммунал тўловлар, лицензия ва рухсатномалар учун олинадиган давлат божлари ва йиғимларини мана шу тизим орқали амалга оширишлари мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда иқтисодиётнинг барча тармоқлари каби сабзавотчилик ва боғдорчилик соҳасини ривожлантириш учун қулай инвестиция ва ишбилармонлик муҳити яратилмоқда. Бунда банклар томонидан тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлашни кучайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

3.2. Ўзбекистоннинг мева-сабзавотни қайта ишлаш саноатини модернизациялаш

Мамлакатимизда 2015 — 2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури қабул қилинди.

Президентимизнинг 2015 йил 4 мартдаги «2015 — 2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури

тўғрисида»ги Фармони мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлаб чиқаришни янгилаш ва инновация технологияларини жорий этиш бўйича узлуксиз жараённинг мантаний давоми бўлди.

Дастур таркибий ўзгаришларни изчил таъминлаш, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш, барқарор иқтисодий ўсиш локомотивлари бўлишга қодир юқори технологияли саноат тармоқларини янада ривожлантириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг энергия сарфи, моддий ва меҳнат харажатларини камайтириш бўйича мавжуд захиралардан янада тўлиқ фойдаланиш, шунингдек, жаҳон бозорида талаб барқарор бўлган рақобатбардош тайёр товарлар ва ярим фабрикатлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, бунинг учун хорижий инвестицияларни, жумладан, етакчи хорижий компаниялар билан биргаликда қўшма корхоналар ташкил этиш орқали фаол жалб қилиш мақсадида қабул қилинди.

Фармон доирасида Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси томонидан замонавий сублимитлаш, музлатиш ва вакуумли қадоқлаш технологиялари асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ҳамда қайта ишлашга қаратилган қиймати 410 миллион долларлик 304 лойиҳани ҳаётга татбиқ этиш режалаштирилган.

Жумладан, Сурхондарё вилоятидаги «Файзи Рамз» фермер хўжалигида мева-сабзавотни қайта ишлаш (сублимацион қуриштириш), «Жиззах» махсус индустриал зонаси ҳудудида тез тайёрланадиган маҳсулотлар, Самарқанд вилоятидаги «Сиёб саховати» хорижий корхонаси масъулияти чекланган жамиятида гўшти қайта ишлаш, Тошкент вилоятидаги «Euro Food Trade» корхонасида балиқ консервалари ишлаб чиқариш ва кўзикаринни чуқур қайта ишлаш йўлга қўйилади, шунингдек, фаолият юритмаётган озиқ-овқат саноати корхоналари модернизация қилинади (165 лойиҳа).

Президентимиз Фармонида жаҳондаги етакчи компанияларнинг лицензия ва патентлари асосида фармацевтика саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ва турини кенгайтириш, маҳаллий ишланмалар ҳамда хом ашё асосида тиббиёт препаратлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш режалаштирилган.

Шу муносабат билан «Ўзфармсаноат» давлат-акциядорлик концерни 22 инвестиция лойиҳасини амалга оширишни режалаштирмоқда. «Pharm Product» масъулияти чекланган жамиятида бир марта ишлатиладиган тиббиёт буюмлари учун металл ниналар, инъекция эритмалари, қуриштирилган ҳолда қадоқланган дори воситалари, таблеткалар, капсула ва саше-пакетчалар учун бўш ампулалар, канал найчалар, «Soft inter medical» масъулияти чекланган жамиятида инфузия эритмалари, «Radiks» хусусий илмий-ишлаб чиқариш корхонасида плазма ўрнини босадиган эритмалар, дори воситалари ишлаб чиқариш учун ўсимлик субстанциялари ва бошқа дори воситалари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш шулар жумласидандир.

Шу билан бирга, Дастур доирасида замонавий технологик талабларга жавоб бермайдиган эскирган ускуналар ва қувватларни фойдаланишдан чиқариш ва уларни замонавий ҳамда самарали ишлайдиганлари билан алмаштиришга қаратилган қарийб 300 лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган (Фарғона иссиқлик электр маркази ва Навоий иссиқлик электр станциясидаги энергоблоклар, «Навоий азот» акциядорлик жамиятида аммиак ва кучсиз азот кислотаси ишлаб чиқариш қувватлари, «Аммофос Максам» акциядорлик жамиятида сульфат кислота ишлаб чиқариш корхонаси, Тошкент ва Чирчиқ қишлоқ хўжалиги техникаси заводларининг ишлаб чиқариш қувватлари ва бошқалар).

Давлатимиз раҳбарининг Фармонида 2015 — 2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастурига киритилган инвестиция лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этиш доирасида қиймати 30 миллион АҚШ долларидан зиёд ва чет эллик инвестор улуши камида 50 фоиз бўлган лойиҳалар бўйича ишлаб чиқариш майдони ташқарисида муҳандислик-коммуникация тармоқларини йўлга қўйиш бюджет маблағлари ҳамда ички молиялаштириш манбалари ҳисобидан амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

Президентимизнинг 2015 йил 4 мартдаги «2015 — 2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармонида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича умумий қиймати 40 миллиард 809 миллион долларлик 846 инвестиция лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилган.

2015-2019 йилларда амалга ошириладиган қиймати 19 миллиард 640 миллион долларлик 711 янги лойиҳанинг сармоядорлари ва молиялаштириш манбалари белгилаб олинган. Қиймати 21 миллиард 169 миллион долларлик 135 истиқболли лойиҳага эса хорижий инвестициялар ва кредитлар жалб қилинади.

Ушбу Дастурнинг ҳаётга татбиқ этилиши 2015 — 2019 йилларда ялпи ички маҳсулотни йилига ўртача камида 8 фоиз, жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни 9 фоиз, шу давр ичида ушбу кўрсаткични 1,5 баробар ошириш имконини беради. Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида саноат улуши ҳозирги 24 фоиздан 2020 йилда 27 фоизга етади. Машинасозлик, нефть-газ, нефть-кимё, кимё, тўқимачилик ва озиқ-овқат каби юқори технологияли тармоқларни янада жадал ривожлантириш, саноатда уларнинг улушини 2014 йилдаги 62 фоиз ўрнига 2020 йилда 67 фоизга етказиш кутилмоқда. Бу борада 100 га яқин янги товар гуруҳлари (қарийб 1000 хил маҳсулот) ишлаб чиқариш ўзлаштирилади ва 2020

йилга бориб мамлакатимиз саноатининг йиллик ишлаб чиқариш ҳамда экспорт салоҳияти тегишли равишда 18 триллион сўмга ва 2 миллиард долларга оширилади.

Мамлакатимизда мева-сабзавотчилик соҳаларини модернизациялаш борасида ҳам катта амалий ишлар олиб бориляпти. Бундай ишлардан пакана боғларни ривожлантиришни мисол қилсак бўлади. Бундай боғларнинг кўплаб афзалликларга эга экани бугунги кунда амалда намоён бўлмоқда. Оддий мевали дарахт экилганидан бошлаб дастлабки ҳосилини бергунига қадар одатда 4-5 йил ўтади. Интенсив боғдорчиликда эса дарахт иккинчи-учинчи йилдаёқ ҳосилга қиради. 2011 йилда яратилган боғларнинг ҳар гектаридан 2015 йилнинг ўзида ўртача 300 центнердан ҳосил олингани ва ҳосилдорлик йил сайин кўпайиб бораётгани буни тасдиқлайди.

Замонавий технологиялар асосида пахта толасини ва мева-сабзавот маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ташқи ва ички бозорда талаб юқори бўлган тайёр, экологик тоза тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2030 йилда 5,6 марта, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажмини эса 5,7 карра ошириш имконини беради⁶.


Қишлоқ хўжалиги хомашёсини чуқур қайта ишлаш, етиштирилган маҳсулотларни сақлаш инфратузилмасини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган йили қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган 230 та корхона, 77 минг 800 тонна сиғимга эга бўлган 114 та янги совутиш камераси ташкил этилди ва модернизация қилинди. Мамлакатимизда мева-сабзавотларни сақлашнинг умумий қуввати 832 минг тоннага етказилди. Бу эса, йил давомида нархларнинг мавсумий кескин ошиб кетишига йўл қўймасдан, аҳолини асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, ушбу маҳсулотларни экспорт қилишни кенгайтириш, нарх-наво барқарорлигини сақлаш имконини бермоқда.

Мамлакатимиз мева-сабзавот, полиз ва узум маҳсулотларининг рақобат афзалликлари:

- Ўзбекистоннинг камдан-кам учрайдиган ноёб тупроқ-иклим шароити, мамлакатимизда қуёшли кунларнинг бир йилда ўртача 320 кун бўлиши, барча тўрт фаслнинг изчил алмашинуви кенг турдаги юқори сифатли мева ва сабзавотларнинг асосий навларини етиштириш учун қулай имкониятлар яратиши;
- Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги мавсумининг март ойининг дастлабки кунларидан токи декабрь ойининг бошларигача давом этиши оқибатида бутун йил мобайнида бозорларга кўкат, узум, қовун, хурмо ва беҳи каби мева-сабзавотларни етказиб беришга имкон яратиши;
- Мамлакатимизда етиштириладиган мева-сабзавотларнинг бебаҳо истеъмол хусусиятлари, яъни таркибида табиий шакар, амина ва органик кислоталар, саломатлик учун энг муҳим бўлган микроэлементлар ва озик-овқат рационидан ўрнини алмаштириб бўлмайдиган турли биологик моддаларга бойлиги натижасида дориворлик хусусиятларга эгаллиги;
- Мева-сабзавотлар, полиз ва узумнинг дунё селекциясида ўхшаши бўлмаган жуда бой, хилма-хил навлари, бетакаротин сифати мавжудлиги;
- Ўзбекистонда сабзавот, мева ва узум етиштириш бўйича тўпланган катта тажриба ва салоҳият мавжудлиги;
- Ўзбекистон қадимдан ўзининг ўрик, шафтоли, олхўри, нок, гилос, анжир, анор, беҳи, узум, помидор, бодринг, пиёз, саримсоқ пиёз ва бошқа кўплаб мева-сабзавотлари, бекиёс мазаси ва хушбуй хиди билан ажралиб турадиган қовунлари билан машҳурлиги ва бошқалар.

№ 5-расм

Республика бўйича асосий қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигининг 1990-2015 йиллар давомида ўзгариши динамикаси, ц/га



Республикамизда 2013-2015 йилларда мева-сабзавот ва узум маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича янги корхоналарни ташкил этиш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилиш кўрсаткичлари.

Худудлар	Жами лойиҳалар			шундан:												
	Сони	Қуввати, минг т.	Қиймати млн. долл	Янги ташкил этилади			Реконструкция ва модернизация қи-ди									
				Сони	Қуввати, минг т.	Қиймати млн. долл	Сони	Қуввати, минг тонна	Қиймати млн. долл							
Қорақалпоғистон Рес-си	2	1	2,6	2,7	9	2,	2,5	3	0,5	0,2						
Андижон	7	2	19,	5,9	8	1	7,	3,3	9	5	12,	2,6				
Бухоро	9	1	3,4	2,0	5	1	7	2,	1,5	4	0,7	0,5				
Жиззах	5	2	10,	7,2	2	2	8	9,	6,8	3	0,5	0,4				
Қашқадарё	7	1	3,7	4,6	1	1	9	2,	3,7	6	0,8	0,9				
Навоий	2	1	2,1	1,5	0	1	5	1,	1,2	2	0,6	0,3				
Наманган	1	2	14,	4,5	8	1	0,9	1	1,6	3	3,2	2,9				
Самарқанд	4	1	17,	6,8	9	5	4,	2,6	5	0	13,	4,2				
Сурхондарё	3	3	9,2	5,9	5	2	5	6,	3,1	8	2,7	2,8				
Сирдарё	8	1	1,8	3,0	6	1	5	1,	2,9	2	0,3	0,1				
Тошкент	1	5	55,	18,	4	2	7,0	3	2	13,	7	2	12,	5,3		
Фарғона	6	2	29,	6,3	1	2	7,6	2	4,9	5	2,2	1,4				
Хоразм	3	2	17,	12,	8	1	3,8	1	3	11,	5	4,0	1,1			
Жами	98	2	18	81,	16	2	27,8	1	6	58,	2	8	2	53,	7	22,

Манба: Ўзбекистон республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги маълумотлари асосида тузилган.

№ 8-жадвал маълумотларидан англашимиз мумкинки, мамлакатимизда 2013-2015 йиллар давомида 22,7 млн долл. миқдорида мева-сабзавот ва узум маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича янги корхоналарни ташкил этиш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилиш мақсадларида маблағлар ажратилган. Ажратилган маблағларни қисми Тошкент, Самарқанд, Хоразм, Андижон, Наманган вилоятларига сарфланган. Чунки бу вилоятларда йирик мева ва сабзавотларни қайта ишлаш корхоналари мавжуд эди, шунингдек уларда янги корхоналар ҳам қурилди. Хоразм вилоятида эса мева ва сабзавотлар кам бўлсада йирик шакар заводи ташкил қилинган.

3.3. Ўзбекистоннинг мева-сабзавотни қайта ишлаш саноатини ривожлантириш муаммолари ва келажак истиқболлари.

Президентимиз Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида мева-

сабзавотчилик, боғдорчилик, узумчилик ва чорвачилик каби тармоқлар жадал суръатларда ривожланаётгани таъкидланди.

2015 йилда мамлакатимизда 12 миллион 592 минг тонна сабзавот ва картошка, 2 миллион 731 минг тонна мева, 1 миллион 850 минг тонна полиз маҳсулотлари, 1 миллион 556 минг тонна узум етиштирилди. Бу рақамлар Ўзбекистоннинг экспорт салоҳияти юқорилигини кўрсатиб турибди⁷.

Пойтахтимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини стандартлаштириш ва уларнинг экспортини оширишга бағишлаб ўтказилган халқаро семинарда шу хусусда сўз борди. «Ўзстандарт» агентлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Латвия Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда соҳа мутахассислари мева-сабзавот экспортини оширишнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашди.

Ўтган йили қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган 230 корхона, 77 минг 800 тонна сифимга эга 114 янги совутиш камераси ташкил этилди ва модернизация қилинди. Хозирда мамлакатимизда мева-сабзавотларни сақлаш қуввати 832 минг тоннага етказилди. Бу йил давомида нархларнинг мавсумий ошиб кетишига йўл кўймасдан, аҳолини асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, уларни экспорт қилишни кенгайтириш имконини бермоқда. Деҳқонларимиз етиштираётган сифатли маҳсулотларни стандартлаштириш тизими йўлга қўйилгани уларнинг жаҳон бозоридаги ўрни мустаҳкамланишига йўл очмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 12 апрелдаги «Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу йўналишдаги ишлар кўламини оширади. Мазкур қарор асосида қайта ишлаш корхоналарини хомашё билан мунтазам таъминлаш, ички истеъмол бозорига йил давомида сабзавотлар, картошка, мева ва полиз маҳсулотларини узлуксиз етказиб беришга катта эътибор берилмоқда. Ҳўл мева ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажминини кўпайтириш ва турларини кенгайтириш учун уларни етиштириш, ишлаб чиқариш ва харид қилиш бўйича ягона тизим шакллантирилмоқда.

№ 9-жадвал

2015-2019 йилларга мўлжалланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш саноати тармоқларининг инвестиция дастури

Соҳалар	Лойиҳалар сони	Лойиҳалар қиймати, млн. долл.	Молиялаштириш манбалари		
			Ўз маблағлари	Банк кредити	Хорижий инвестиция
ЖАМИ	391	384,0	114,0	240,0	31,0
Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси	330	235,0	84,0	120,0	31,0
“Ўздонмаҳсулот” АК	32	110,0	23,0	80,0	-
“Ўзвиносаноат-холдинг” ХК	29	46,0	10,0	39,0	-

Манба: Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги маълумотлари асосида тузилган.

№ 9-жадвал маълумотларида акс этганидек, мамлакатимиздаги асосий мева-сабзавотларни қайта ишлаш корхоналари 2019 йилга қадар саноат ишлаб чиқариши кўзда тутилган. Бунда корхоналарни ўз маблағлари ҳам, банк кредитлари ҳисобидан ҳам ҳамда чет эл инвестицияларини жалб қилиш масалалари ҳам тўлиқ қамраб олинган.

Жалб қилиниши керак бўлган маблағлар 384 млн АҚШ дол. бўлиб шундан, Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмасига 235,0 млн АҚШ дол., “Ўздонмаҳсулот” АК 110,0 млн АҚШ дол., “Ўзвиносаноат-холдинг” ХК 46,0 млн АҚШ дол. миқдорида 2015-2019 йилларда маблағлар ажратилиши кўзда тутилган.

Давлат буюртмаси «Ўзбекизоқовқатхолдинг» компанияси таркибига қирадиган қайта ишлаш корхоналарини хом ашё билан таъминлаш, ички истеъмол бозорини қиш-баҳор мавсумида барқарор таъминлаш мақсадида захирага ғамлаш, мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилишга талабдан келиб

⁷ «Газета.uz». сайти маълумотлари асосида.

чиққан ҳолда шакллантирилмоқда. Янги маҳсулотни кейинчалик қайта ишлаш учун харид қилиш «Ўзбекизоқовқатхолдинг», қиш-баҳор мавсумига маҳсулот ғамлаш «Ўзбекизоқовқатзахира» ассоциацияси, экспорт эса «Ўзагроэксспорт» компанияси томонидан амалга оширилмоқда.

Олиб борилган илмий изланишлар асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарининг ривожланишига тўсиқ бўлаётган қуйидаги муаммоларни келтириш мумкин:

- республикада қайта ишлаш корхоналари сонининг етарли даражада эмаслиги, айрим жойларда эса фойдаланилмай турган ишлаб чиқариш қувватлари мавжудлиги;
- корхоналарни йил давомида хом-ашё билан мунтазам равишда таъминлаш учун сақлаш омборхоналарининг етишмаслиги ва паст тараққий этганлиги;
- жами ишлаб чиқаришга нисбатан қайта ишлаш даражасининг нисбатан пастлиги (сабзавотлар бўйича 15,8 %, меваларда 20,8 %, узумда 24,8 %);
- қайта ишлаш корхоналарининг мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси пастлиги (мева-сабзавотлар бўйича 39,3 %, узум бўйича 67,8 %);
- қайта ишлаш корхоналарида моддий ва маънавий жиҳатда эскирган асбоб-ускуналар улушининг юқорилиги (56,8 %);
- ишлаб чиқариш фондларини янгиланиш даражаси пастлиги (13,5 %);
- ишлаб чиқаришнинг материал ва энергия сиғими юқорилиги натижасида хомашё, ёқилғи, энергия ва бошқа ресурслар нархларидаги ўзгаришларнинг маҳсулот таннархи ошишига таъсири кучлилиги;
- ресурс тежовчи ва кам чиқимли инновацион технологияларнинг етишмаслиги;
- ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техник-технологик янгилашга қаратилган капитал маблағларнинг етарлича ажратилмаётганлиги;
- ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва товар кўринишининг жаҳон стандартлари талабига мос келмаслиги кабилар.

2016 йил қабул қилинган қарорга асосан, Давлат буюртмаси доирасида маҳсулотларни қайта ишлаш учун харид қилиш фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда «Ўзбекизоқовқатхолдинг» таркибига кирадиган хусусий мулк шаклидаги қайта ишлаш корхоналари ўртасида тузиладиган контракция шартномалари асосида шартнома қийматининг 40 фоизидан кам бўлмаган миқдорда бўнак бериш орқали амалга оширилади. Ҳўл мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узум фермер ва деҳқон хўжаликларидан келишилган, бозор нархларида харид қилинади.

Янги ва қайта ишланган маҳсулотлар «Ўзагроэксспорт» ихтисослаштирилган ташқи савдо компанияси томонидан хорижий шериклар билан тўғридан-тўғри тузилган экспорт шартномалари, шунингдек, фермер ва деҳқон хўжаликлари, агрофирмалар ва қайта ишлаш корхоналари ўртасида тузиладиган комиссия шартномалари асосида экспорт қилинади.

№ 10-жадвал

Инвестиция маблағларига бўлган эҳтиёж

Молиялаштириш манбаалари	2016 йилда ўзлаштириладиган маблағлар (млн.долл)
Жами:	53,01
шу жумладан:	
корхоналарнинг ўз маблағлари	21,31
тижорат банклари кредитлари	26,40
тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар	5,30

Манба: <http://uzbekistonovozi.uz/articles/index.php?>

№ 10-жадвалда берилганидек, 2016 йили мамлакатимизнинг инвестиция маблағларига бўлган эҳтиёж 53 млн долл.ни ташкил қилмода бу эҳтиёжнинг 21,31 млн. долл. корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан қондирилиши, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 5,3 млн. долл.ни режалаштирилмоқда. Тижорат банклари кредитлари 26,40 млн. долл.қилиб белгиланган.

№ 11-жадвал

2016 йилда Республикада озиқ-овқат соҳасида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари рўйхати

т/р	Ҳудудлар	2016 йилда
-----	----------	------------

		амалга ошириладиган жами лойиҳалар		
		сони	қиймати	янги иш ўрни
1	Қорақалпоғистон Республикаси	65	12945	672
2	Андижон вилояти	54	7559	1077
3	Бухоро вилояти	78	14659	1478
4	Жиззах вилояти	38	8395	358
5	Қашқадарё вилояти	95	17684	985
6	Навоий вилояти	46	4846	337
7	Наманган вилояти	42	7565	287
8	Самарқанд вилояти	107	165665	1526
9	Сурхондарё вилояти	52	11732	573
10	Сирдарё вилояти	53	11736	647
11	Тошкент вилояти	41	34687	486
12	Фарғона вилояти	124	19274	1252
13	Хоразм вилояти	83	10578	510
14	Тошкент шаҳри	85	118204	1661
ЖАМИ:		1042	445528	11849

Манба: <http://sharh.uz/iqtisodiyot/item/3843-ishlab-chiqarishni-rivojlantirish-dastur>

№ 11-жадвал маълумотларидан берилганидек Республикамизда озиқ-овқат соҳасида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари барча вилоят ва ҳудудларни қамрам олган. Инвестиция лойиҳалари бўйича Фарғона, Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё ва Хоразм вилоятлари лойиҳалар бир мунча кўпроқдир. Мамлакатимиз бўйича 1042 та лойиҳа амалга оширилиши кўзда тутилмоқда. Шунингдек бу лойиҳалар арқали 11849 та янги иш ўринлари ҳам очилиши назарда тутилмоқда.

Юқорида такидланган лойиҳалар, эски корхоналарни модернизация қилиш, янги корхоналар қуриш қайта ишловчи корхоналар қувватидан фойдаланиш самарадорлигини кўтаришга имконият туғдиради. Хорижий сармоядорларни жалб қилишга ҳар томонлама шароит яратиш, улар орқали янги техника ва технологиялар келтириш ҳисобига корхоналарни модернизация қилишни жадаллаштириштирилмоқда. Эндиликда мева-сабзавотларни қайта ишлаш технологиялари билан таъминланиш даражасини кўтариш мамлакатимиз олдидаги бош масалага айланди.

№ 12-жадвал

2015-2019 йилларга мўлжалланган Озиқ-овқати саноати корхоналари уюшмаси бўйича инвестиция дастури

Соҳалар	Л ойиҳа лар сони	Лойи ҳалар қиймати, млн. долл.	Молиялаштириш манбалари		
			ўз маблағлар и	бан к кредити	хори жий инвестици я
ЖАМИ	330	235,0	84,0	120, 0	31,0
Мева ва сабзавотларни қайта ишлаш	162	82,0	28,0	38,0	16,0
Гўшт ва сутни қайта ишлаш	106	65,0	25,0	33,0	7,0
Қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш	29	64,0	25,0	40,0	

Бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш	33	24,0	7,0	9,0	7,0
---	----	------	-----	-----	-----

Манба: Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги маълумотлари асосида тузилган.

№ 12-жадвал маълумотларига эътибор қаратсак, озиқ-овқати саноати корхоналари уюшмаси бўйича инвестиция дастурида жами 335,0 млн. дол. маблағ 2015-2019 йилларга мўлжалланган бўлса шундан, мева ва сабзавотларни қайта ишлаш саноатини ривожлантиришга 82,0 млн. дол. ажратиш мўлжалланган.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики яқин йиллар давомида мева-сабзавотчилик маҳсулотларини қайта ишлаш саноати янада ривожланиш истиқболига эгадир.

Июнь ойида Тошкентда 2016 йилги ҳўл мева ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича шартномалар тузиш учун Халқаро мева-сабзавот маҳсулотлари ярмаркаси ўтказилиши кўзда тутилган. Бундай ярмаркаларни ўтказиш бўйича доимий фаолият кўрсатадиган майдон ташкил этилиб, унинг базасида ҳар йили октябрда келгуси йил учун экспорт шартномалари тузишни ташкил қилиш мақсадида хорижий компанияларнинг фаол иштирокида халқаро ярмаркалар ўтказилади.

Президент қарори билан мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узумни қайта ишлайдиган хусусий мулк шаклидаги корхоналар, идоровий мансублигидан қатъи назар, 2019 йилнинг 1 январигача замонавий ускуна ва технологиялар олиб киришда божхона тўловларидан (божхона йиғимларидан ташқари) озод этилди. Худди шу санагача «Ўзбекозиқовқатхолдинг» таркибига кирадиган қайта ишлаш корхоналари даромад солиғи, юридик шахслар мулк солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ, давлат мақсадли фондларига мажбурий ажратмалар (ягона ижтимоий тўловдан ташқари) тўлашдан озод этилди.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, мамлакатимиз раҳбарияти олиб бораётган, мева-сабзавотларни қайта ишлаш ва экспортга чиқариш борасидаги ҳуқуқий асослари соҳани янада ривожлантиришда катта аҳамиятга эгадир.

Учунчи боб бўйича хулосалар.

Учунчи бобда, мамлакатимизда мева-сабзавотчиликнинг ривожланиш истиқболлари, ривожланиш муаммоларини очиб берилди. Шунингдек, мева-сабзавотчилик саноатини ривожланишининг асосий йўналишлари ва бу соҳада давлатимиз тамонидан олиб борилаётган ижобий ишлар таҳлил қилинди. Хусусан 2015-2019 йилларга мўлжалланган инвестиция дастури ҳам таҳлил қилинди.

Мамлакатимизда мева-сабзавотни қайта ишлаш саноатини келажак истиқболларида:

- Президент қарорида кўрсатилганидек, мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узумни қайта ишлайдиган хусусий мулк шаклидаги корхоналар, идоровий мансублигидан қатъи назар, 2019 йилнинг 1 январигача замонавий ускуна ва технологиялар олиб киришда божхона тўловларидан (божхона йиғимларидан ташқари) озод этилиши;
- 2015-2019 йиллар давомида мамлакатимиз бўйича 1042 та лойиха амалга оширилиши;
- Давлат буюртмаси асосида «Ўзбекозиқовқатхолдинг» компанияси таркибига кирадиган қайта ишлаш корхоналарини хом ашё билан таъминлашни мунтазам амалга ошириб бориши;
- Янги ва қайта ишланган маҳсулотлар «Ўзагроэкспорт» ихтисослаштирилган ташқи савдо компанияси тамонидан хорижий шериклар билан тўғридан-тўғри тузилган экспорт шартномалари, шунингдек, фермер ва деҳқон хўжаликлари, агрофирмалар ва қайта ишлаш корхоналари ўртасида тузиладиган комиссия шартномалари асосида экспорт қилиниши каби ишлар амалга оширилишига катта аҳамият берилиши соҳани ривожлантиришнинг келажак истиқболларини белгилаб беради.

Хулоса.

2015 йилда мамлакатимиз БМТнинг Озиқ овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)га аъзо давлатларнинг озиқ овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида “Минг йиллик ривожланиш мақсадлари”га эришгани учун бериладиган мукофотига сазовор бўлган 14 та давлатдан бири сифатида эътироф этилишини ўзи мамлакатимизда мева-сабзавотчиликнинг ва уни қайта ишлаш саноатини ривожланганидан далолат беради.

Мамлакатимизда мева-сабзавотчилик маҳсулотларини қайта ишлаш саноатини ривожлантиришга катта эътибор берилаётгани, нафақат ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан таъминлашга, балки мева-сабзавот маҳсулотларини экспортга чиқаришини ҳам таъминлайди.

Битирув малакавий ишини ёзиш давомида:

- Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик соҳасини ривожланишининг динамик хусусиятга эгаллигини;
- Ўзбекистон Республикасининг мева-сабзавотчилик соҳасининг қайта ишлаш саноати имкониятларини кийинги йилларда кенгайтиб бораётганлигини;

- Мамлакатимизда соҳани ривожлантириш учун жуда катта амалий ишлар олиб борилаётганлиги;
- мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмлари динамик хусусият касб этганлигига амин бўлдим.

Мамлакатимизда ҳар йили 16 миллион тоннага яқин мева ва сабзавот маҳсулотлари етиштирилиб, аҳоли жон бошига қарийб 300 килограммдан сабзавот, 75 килограмм картошка ва 44 килограмм узум тўғри келмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинаётган охириги йиллардаги қонун ва қарорлар маҳсулот етиштириш ва уни қайта ишлаш ҳажмини муттасил ошириш имконини бермоқда.

Диверсификация ва модернизация дорасида, барпо этилган пакана ва ярим пакана интенсив мевали боғлар ҳозирги пайтда 23908 гектарга етганлиги қувонарли ҳолдир.

2015-2019 йилларда мева-сабзавотни қайта ишлаш ва унга ишлов бериш бўйича умумий қиймати 150 миллион АҚШ долларилек 265 та инвестициявий лойиҳани қўшимча равишда амалга ошириш кўзда тутилганлиги, мева-сабзавотларни қайта ишлаш саноатини янада ривожлантиришга асос бўлиши шубҳасиздир.

Экспорт қилинаётган товарларни диверсификация қилиш, уларни импорт қилувчи мамлакатлар географиясини кенгайтириш ҳам давр талабига айланган.

Мева-сабзавот маҳсулотларини экспортга чиқарадиган корхоналар учун тақдим этилаётган имтиёзлар тизими янада соддалаштириш, уларни амалга ошириш муддатларини қисқартириш ва ташқи савдо операцияларини бажариш учун тарифларни пасайтиришга борасидаги ижобий ишлар ҳам соҳани ривожлантиришга катта ҳисса қўшади.

2015 йилда мамлакатимизда 12 миллион 592 минг тонна сабзавот ва картошка, 2 миллион 731 минг тонна мева, 1 миллион 850 минг тонна полиз маҳсулотлари, 1 миллион 556 минг тонна узум етиштирилди.

Ўтган йили қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган 230 та корхона, 77 минг 800 тонна сифимга эга бўлган 114 та янги совутиш камераси ташкил этилди ва модернизация қилинди. Мамлакатимизда мева-сабзавотларни сақлашнинг умумий қуввати 832 минг тоннага етказилди.

Ўзбекистон Республикаси 2015 йилда 2887,2 млрд. долл. мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилган бўлса бу кўрсаткич, 2016 йилда 3870 млрд. долл. прогноз қилинмоқда.

Кейинги 10 йил ичида Самарқанд, Тошкент, Қашқадарё, Андижон, Наманган ва Хоразм вилоятларидаги мева-сабзавот ва узумни қайта ишлаш корхоналарида Швецариянинг "BUHLER", Италиянинг "FBR ELPO" Германиянинг "FLOTBERG", Голландиянинг "GEERLOFS" компанияларининг энергия тежамли линиялари ўрнатилди.

Давлат инвестиция дастурлари доирасида ўтган 3 йил давомида соҳа корхоналари томонидан 124 та лойиҳа амалга оширилди ва ушбу мақсад учун 200,0 миллион доллардан ортиқ миқдорда инвестиция йўналтирилди.

Сўнги уч йил давомида 400 тадан ортиқ янги номдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

2016 йилда маҳаллийлаштириш дастурига кўра, 14 та лойиҳа бўйича 8,5 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиши белгиланган. Ўтган даврда 11,4 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади ва прогноз кўрсаткичи 134,7 фоизга бажарилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган 24 минг 730 та фермер хўжалиги, сабзавотчиликка ихтисослашган 3 минг 655 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда.

2012–2016 йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарни янада модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастурини рўёбга чиқаришга, фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалиги техникасини харид қилиш учун имтиёзли кредитлар ва лизинг хизматлари тақдим этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимиздаги мева-сабзавотчиликни ривожлантириш ва уни қайта ишлаш борасидаги асосий йўналишлар белгилаб берилди. Унда:

- “Ўзагроэкспорт” чет эл савдо ташкилоти “Ўзбекизоқовқатхолдинг” Холдинг компанияси таркибида яратилади.

- «Ўзбекизоқовқатхолдинг» холдинг компаниясига ҳўл мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узумни саноат асосида қайта ишлаш учун харид қилиш;

- «Ўзбекизоқовқатзахира» уюшмасига қиш-баҳор мавсуми учун ҳўл мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узумни ғамлаш;

- «Ўзагроэкспорт» ихтисослаштирилган ташқи савдо компаниясига ҳўл мева-сабзавотларни экспорт қилиш вазифалари ва масъулияти юкланди.

Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни қайта ишлаш соҳасини янада ривожлантириш ва экспортни ривожлантириш учун қуйидагиларни амалга оширилаяпти:

- Экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналар учун тақдим этилаётган имтиёзлар тизимини такомиллаштирилмоқда;

- Божхона тартиб-таомилларини янада соддалаштирилиб, ухам такомиллаштирилмоқда;

• Маҳсулот экспорти билан боғлиқ барча ҳужжатлар ва рухсат бериш тартиб-таомилларини расмийлаштиришнинг электрон шаклини кенг жорий этилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш санати даражасини янада ошириш ҳамда экспорт салоҳиятини юксалтириш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ диб ҳисоблаймиз:

• мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашга ихтисослашган совутиш камералари, уларни саралаш ва кадоқлаш пунктлари ҳамда ташиш билан шуғулланувчи махсус транспорт-коммуникация тармоғини кенгайтириш;

• қайта ишлаш саноатининг материал ва энергия сифимини пасайтириш, ресурс тежовчи кам чикимли технологияларга устуворлик бериш;

• қайта ишлаш саноатини модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, илм-фаннинг ютуқлари ва илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жадал қўллаш;

• қишлоқ жойларда мева-сабзавот ва узумни қайта ишловчи корхоналари учун зарур бўлган инфратузилмалар, биринчи навбатда йўллар, газ, электр ва сув таъминотини яхшилаш;

Республикада сабзавотчилик ва боғдорчиликни ривожлантириш мақсадида молиявий ресурслар турли манбалар – махсус жамғармалар, тижорат банклари ва халқаро молия институтларидан жалб қилинмоқда.

Дастур таркибий ўзгаришларни изчил таъминлаш, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш, барқарор иқтисодий ўсиш локомотивлари бўлишга қодир юқори технологияли саноат тармоқларини янада ривожлантириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг энергия сарфи, моддий ва меҳнат харажатларини камайтириш бўйича мавжуд захиралардан янада тўлиқ фойдаланиш, шунингдек, жаҳон бозорида талаб барқарор бўлган рақобатбардош тайёр товарлар ва ярим фабрикатлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, бунинг учун хорижий инвестицияларни, жумладан, етакчи хорижий компаниялар билан биргаликда қўшма корхоналар ташкил этиш орқали фаол жалб қилиш мақсадида қабул қилинди.

2015-2019 йилларда амалга ошириладиган қиймати 19 миллиард 640 миллион долларлик 711 янги лойиҳанинг сармоядорлари ва молиялаштириш манбалари белгилаб олинган. Қиймати 21 миллиард 169 миллион долларлик 135 истиқболли лойиҳага эса хорижий инвестициялар ва кредитлар жалб қилинади.

Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида саноат улуши ҳозирги 24 фоиздан 2020 йилда 27 фоизга етказиши кутилмоқда.

Мамлакатимизда мева-сабзавотчилик соҳаларини модернизациялаш борасида ҳам катта амалий ишлар олиб бориляпти. Бундай ишлардан пакана боғларни ривожлантиришни мисол қилсак бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йилда қабул қилган қатор қарорлари соҳани ривожлантириш омили ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда иқтисодиётнинг барча тармоқлари каби сабзавотчилик ва боғдорчилик соҳасини ривожлантириш учун қулай инвестиция ва ишбилармонлик муҳити яратилмоқда. Бунда ҳуқуқий, молиявий техник, технологик қўллаб-қувватлаш давлатимизнинг бош мақсади қилиб белгиланган.